


24371
10 29

ЗАРАФШОН ОХАНГЛАРИ

24371
10 291



«ЁЗУВЧИ»

96 - 4968

Жонажон юртимиз —
Ўзбекистон Мустақиллигининг
беш йиллигига бағишиланади.

ЗАРАФШОН ОҲАНГЛАРИ

(БАЁЗ)

Тошкент
«Езувчи» нашриёти

Ўз2

312

Зарафшон оҳанглари: Баёз
1996

Т. Ёзувчи,

Эзгулик нишонаси яхши-да!..

Ушбу баёз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилоят бўллимининг илк мажмуасидир. Турли ёшда ва турли касбда бўлган муаллифлар ўз меҳнатларини вужудга келтирган қалб туйфуларини тортиқ қилишмоқда. Ажаб эмас, улар юрагида ловуллаган ширин ҳислар, сиздек қадрли ва зунко китобхонлар кўнглида ҳам эзгу ҳисларни уйғотар.

Ўз2.

24371	1996	ГБ УзССР	10
29	A	4968	

№ 48—96

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республика-сининг Давлат кутубхонаси

Ж 4702620202 —
М 362(04) — 95 қатъий буюртма — 1996

ISBN 5 — 8255 — 0310 — 2
© Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Навоий
вилоят бўлими,
© «Ёзувчи» нашриёти, 1996 йил

ИЛК АРМУГОН

Ўзбек халқи тақдирида юз берган тарихий ўзгариш адабиёт ва санъатимизнинг юксалишида ҳам кенг имкониятлар яратди. Буни буюк неъмат—Ўзбекистоннинг Истиқоли берди. Шу эрк, шу озодлик юрт фарзандлари юрагига ҳур фикрларни, ажиб туйғуларни вужудга келтирди.

Ана борар кенгликлар аро,
От шаклига кирган Озодлик!

Ҳатто, ўзбек шеъриятини жаҳон миқёсига олиб чиққан аллома сўз санъаткорлари ҳам барадла ва очиқ айттолмаган, уларнинг армонга айланган орзуларини бугунги издошлар мағрур ва қатъий ишонч билан айтиётганиклари бағоят қувончлидир.

Турон замин бир обод бўлсин,
Кудратларинг туғилди, ВАТАН!

Яна таъкидлаш лозим: бундай жўшқин, фахр-ифтихорла куйлашни, янги мавзу, янги шаклларни очиш даврини Мустақиллик берди. Юқоридаги мисралар табаррук зот: Алишер Навоий номлари билан аталувчи вилоят ижодкорлари қаламига мансубдир. Тўпламдан ўрин олган асарлардан ана шундай эҳтиросли пок туйғуларни түйишингиз, шакшубҳасиз.

Вилоятнинг шаҳар, туманларида яшаб келаётганиларнинг баъзилари кўп йиллардан қалам тебратишади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари: Умарқул Пўлканов, Одил Хотамов; илк китобларини тақдим этишга улгурган Зиёвуддин Қўзиев, Маҳмуд

Мардиев, Сурайё Зоҳир, Салима Умарова; республика ёш ижодкорлари ва ижодкор-үқитувчилар семинар қатнашчилари Маруса Ҳосилова, Ҳолбиби Турдиева, Сафар Умрзоков, Шойим Шерназар.. Шунингдек, ушбу тўплам туфайли назарга тушаётган Саъдулла Фармонов, Қудрат Менгли, Муҳайё Қиличева, Дилрабо Искандарова сингари умидли ёшларнинг асарларидан намуна келтирилди.

Бу муаллифларнинг зукко китобхонлар ҳукмига тортиқ этаётган илк армуғонидир. Албатта, ҳар бир қаламкаш юрагига илҳом солган, унга ором бермаган ширин ҳислар ҳар хил ва улар талқини ҳам турлича.

Бизнинг мақсад: ижодкорларнинг эзгу, яхши ишларига кўмак бериш, парвозларига қанот бўлиш! Зоро, «ғазалда нақш этарман истагим-орзуларим» дея, ижодниң ҳам завқини, ҳам дардини тортаётган эканлар, савобга — яхшиликка нима етсин!

Савоб ишимизни Навоий вилояти ҳокимлиги қўллаб-қувватлади ва шу мажмуанинг бевосита ҳомийси бўлди.

Одатда, савоб ишда саховат, бағри кенглик бўлади. Тўпламдаги айрим «маҳсул» ана шу «ҳотамтойлик» туфайли. Ўйлаймизки, Навоий вилоят ижодкорларининг келгусидаги ишларининг пухта ва баракали бўлишлигига да бу илк тажриба ҳам сабоқ, ҳам қаламкашларни етакловчи дастур бўлиб қолар.

Раҳим ҚОДИРОВ.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Навоий вилоят бўлимининг масъул
котиби

УМАРҚУЛ
ПҮЛҚАНОВ



ВАТАН МАДХИ

Умарқул Пўлканов ўзбек халқининг ардоқли достончи-шоири Муҳаммадқул Жомуород ўғли Пўлканинг хонадонида, Оқтоб этакларига туташ Қатағон қишлоғида туғилган. Умри давомида эл-юртига меҳнатини ҳам, қалбидағи шеърларини ҳам сира аямади.

Бугунги кунда Хатирчи туманидаги А. Єрлақабов номли жамоа хўжалигига яшайди, меҳнат, Ватан уруши фахрийсидир.

Ў. Пўлкановнинг бир неча шеърий тўплам, достонлари нашр этилган. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзосидир.

КЕЛАДИ

Түкsonда турланса булут
Үюм-уюм қор келади.
Ишкү үтида ёнса юрак,
Қирқ қокилли ёр келади.
Меңр қўйсанг тупроқ узра,
Ундан бойлик, зар келади.
Пойга қурсак ҳар бир элда
Қалбда ўти бор келади.
Мустақиллик — эзгу ишга,
Дилда ўти бор келади.
Дўмбирасин миниб бахши,
Қўлда сайроқ тор келади.

БАХШИМАН

Ўз элимда ўзим бекман, тўраман.
Яхшиларни суйиб жондай кўраман.
Довруғли халқ даврасида юраман.
Халқ мадҳини куйлаб келган бахшиман.

Юртим беҳишт, кўп миллатли, пояли
Ҳар бири ҳам ободликда ҳаёли,
Ҳур инсонлар бунда аҳил, зиёли
Баҳт иқболдан сўйлаб келган бахшиман.

Қон-қардошлиқ иши бўлиб пайваста.
Ҳамма бирдай ўз ишига ҳавасда,
Нур Ватанга қўлларида гулдаста
Мардларимни сийлаб келган бахшиман.

Элда деҳқон ишин бошлаб қайраган,
Ватан халқин доим хурсанд айлатан,
Жабҳаларда белин маҳкам бойлаган
Қўшиқ айтиб қайнаб келган бахшиман.

БУЛБУЛ У

(Эргаш Жуманбулбул ўғли хотирасига)

Күй билан ўтказган қиши-у ёзини,
Қўргон берган куйчиларнинг созини.
Элу юрт алқаган жўр овозини,
Шу Қўргондан қайнаб чиққан булбул **у.**
Кўй сеҳрига зеҳн қўйиб илгари,
Сайрашликда булбул бўлган тиллари,
Қўшиғига шайдо бўлиб эллари,
Элни кезиб, сайраб чиққан булбул **у.**
Сўзлаганда сўзга маъно эндириб,
Қойил этган чечанлигин билдириб,
Айтганда йиғлатиб, гоҳи кулдириб,
Халқни хурсанд этиб келган булбул **у.**
Дарёдай ҳайқириб қўшиқ яратган,
Жўшқин сўзин замонага қаратган,
Ўзбек мадҳин дунё узра таратган,
Бахт қуёшдан суйлаб кетган булбул **у.**
Достон айтиб халққа қилган хизматни,
Халқ кўрсатди унга юксак иззатни,
Дўст бирлиги оширганда қудратни,
Дўстлик ишин сийлаб кетган булбул **у.**

БАҒИШЛОВ

(Ислом шоир Назар ўғлига)

Бу дунёдан айтинг кимлар ўтмаган,
Чин дулдулга бедов қувиб етмаган,
Ислом ота чертганида созини,
Атрофига булбул қўниб кетмаган,
Булбулларни лол қолдирган бахшийди.

Элни кезиб чечанлигин билдирган,
Қўнғиротда Бойбўрини кулдирган,
Эрам боғга Гўрўгини обориб,
Фиркўкига Гулноройни миндирган,
Чечанлигин хўб билдирган бахшийди.

Чорвадорга чиқса қўш най чалдирган,
Зулайҳони мадҳин элга ёйдирган,
Отаёри шеър боғида етаклаб
Юртимизни қўшиқ, куйдан тўлдирган.
Давраларда дил ёндирган бахшийди.

Ота мерос Дўмбирасин авайлаб,
Зиёдулла йўлга тушар бел бойлаб,
Наҳрипайлик меҳнат аҳли қалбига
Қувонч улар уни чертиб ҳай-ҳуйлаб.
Гоҳ йиглатиб, гоҳ кулдирган бахшийди.

Дарё оқиб ўтди, ўтди Пўлканлар,
Эргаш ота, Фозил каби Улканлар,
Ислом шоир куйлаганда берилиб
Қойил қолган маҳоратин кўрганлар,
Терма, достон мўл қолдирган бахшийди.

АШЬОР ҚОЛДИ

(Амирқул Пўлкановга бағишлиданади)

Шоир кетди, у қайтмас,
Ундан чақин нор қолди,
Севгилисин қалбидা,
Йиглаб-Йиглаб хор қолди.

Онаизор — онада
Ботин босиб қор қолди.
Отасининг қўлида
Мунгли сайраб тор қолди.

У авайлаб ўстирган,
Беш новда чинор қолди.
Босиб ўтган йўлидан
Ўттиз тўрт баҳор қолди.

Она-Ватан халқига,
Дил ҳурмати зор қолди.
Севикли халқи учун,
Бир олам ашъор қолди.

ЯРОҚ ҚИЛДИМ

(Терма)

Донолар сўзин тинглаб,
Сўзлардан сабоқ қилдим.
Ишонмадим ёлгонга,
Доим иштибоҳ қилдим.
Чақиб магзини олиб,
Фикрим тах-батаҳ қилдим.

Билмаганим ўрганиб,
Ақлимдан сўроқ қилдим.
Оқ кўнгил одил одам,
Эл баҳтини сўзлайди.
Қинғир киши ҳар қайда.
Тирноқдан кир излайди.
Юлғич не иши қилмасин,
Ўз фойдасин кўзлайди.
Нокасу нодонларни,
Кўнгилдан йироқ қилдим.
Кимнинг қадри баланд,
Мехри бор дўст—ёрига!
Деҳқон гулнинг ишқида,
Шўнғир меҳнат қаърига.
Кимки, ялқов кам фикр,
Қўл силкигай барига.
Дилда аҳди борларни,
Қалбимга чироқ қилдим.
Баъзилар бор тўқлиқдан
Шоҳу бадгумон бўлмиш.
Босар тусарин билмай,
Кўз ўнги туман бўлмиш.
Қолиб эл назаридан,
Ранг-рўйи самон бўлмиш,
Ёмонларга шеъримни
Мен найза — яроқ қилдим.

МАНСАБИМ

(Бир мансабпастининг деб тургани)

Ёзда соям, қиши панам,
Ўзинг қувонч бир олам.
Буйруғимга шай турар,
Қўл остимда бир одам.
Буйруққа соз мансабим,
Дилимни ёз мансабим.

Сендан ошиб маҳорат,
Қилдим имо—ишорат.
Тушиб қинғир йўлларга,
Қурдим қўша иморат.
Менга жонон мансабим,
Ўткир фармон мансабим.

Кўз югуртиб ҳар ишга,
Тушдим қўшиб ёзишга.
Тунлар ўйлаб қарасам,
Ўхшар даҳшатли тушга.
Ўзинг борсан мансабим,
Мададкорсан мансабим.

Бу иш бормай узоққа,
Етти ҳар бир қулоққа.
Текшир-текшир бошланиб,
Тушган эдик тузоққа.
Учиб кетди мансабим,
Кўчиб кетди мансабим.

Деманг ҳовли жой қолди,
Оёғимда лой қолди,
Ҳаромлай топган пулга,
Фақат менгавой қолди,
Бойлаб кетди мансабим,
Лойлаб кетди мансабим.

ҚАССОБСАН

Нафс туфайли ундан-бундан сурилиб,
Кўп ўтмасдан бунда қолди кўриниб.
Яна эски жигилдон деб, уриниб,
Фойда қувиб чулдираган қассобсан.

Гўштга қўшиб калла-поча, майдани,
Гўшт нархида пуллаб, қилдинг фойдани,
Кўра била бузиб қонун қоидани,
Оч тулкидай пилдираган қассобсан.

Ғиштдан ясад сен ўлчовнинг тошини,
Қилпиллатдинг тарозининг бошини.
Посангинг шўх, учирганда қошини,
Бош гангитар валдираган қассобсан.

Усталиқда минг шайтонга чап берган,
Сен эркатой билмам кимга наф берган!
Ҳалолликдан тиним билмай гап берган,
Кўлга тушиб қалтираган қассобсан.

БОБОҚУЛ
МАНСУРОВ



ҲАЁТ ИШҚИ

Бобоқул Мансуров Қизилтепа туманида таваллуд топган. Душанбе Давлат педагогика институтини битирган. Узоқ йиллар матбуотда фаолият кўрсатиб, республика нашрларида турғли жанрдаги асарларини чоп этиб келади. Тожик, туркман тилларидан таржималар қилган. Фазал, шеърларига бастакорлар куй басталаган, хонандалар томонидан ижро этилмоқда.

Бобоқул Мансуров ҳозирги кунда меҳнат фахрийсидир. Чинакам дам олиш ижодда эканлигини билиб, қўлидан қаламини туширмайди.

ЯНГИ БАЙТ ОРЗУСИДА

Тунларим кечмоқда бедор янги байт орзусида,
Кўзларимга товланур ул гоҳ хаёл кўзгусида.

Неча қоғоз бетларини айладим ногоҳ қаро,
Гоҳ қуёшнинг шуъласида, гоҳ чироқ ёғдусида.

Гоҳида боғимда кезсам тонгни бедор қаршилаб,
Ёр лабин аксини кўрдим гунчалар кулгусида.

Неча кундир келмайин илҳом париси қийнагай,
Ё магар бўлмиш асир ул ўзгалар жодусида.

Шеърият аҳлига қўйдим чин юракдан эътиқод,
Ўртанур қалбим уларнинг шодлигу қайғусида.

Мансурий хушнуд эрурки танлаган ўз йўлидан,
Акс этар мажнунлиги ашъорининг мавзусида.

ҲАЁТ ИШҚИ

Мафтун этмас кимни ўз сеҳри билан ширин ҳаёт,
Биз унинг ишқи билан топдик ўлимлардан најот.

То яшармиш насли инсон унга дил бердию меҳр,
Ҳам унинг номига қўйдик сидқидилдан эътиқод.

Гуя ҳаёт шундай гўзалким, ишқидан қонмас
киши,

Шодлигига ўзга лаззат, ташвишида ўзга тот.

Гоҳи у мафтун этар нурли чарогистон бўлиб,
Баъзан у майдони офат, гоҳида наҳри најот.

Нечалар ўтди ҳаётдан қолди бисёр ному шон,
Кимсалардин эса қолди шум хабар, оҳ ила дод.

Элу юртимга ҳаётим, меҳнатим бахшидадур,
Чунки ҳар кимни этарлар хулқи бирла ёдбот.

Мансурий ўтказмагин умринг унумсиз лаҳзасин.
Кел, ижодинг боғидан гул дасталаб әлга узат.

ГУЛОБ

Ташнаман, келгин, лабингдан эт тилимни
баҳраёб,
Май керакмас, жом аро келтир гуландомим
гулоб.

Боадаб андишали гуфторларинг таъми асал,
Гул жамолинг аксидин тушмуш кўнгилга
инқилоб.

Гулшани орзу ниҳоли топгуси сендан самар,
Бас, муродим бўлса ҳосил иккимиз—чун ҳам
савоб.

Меҳри покинг чашмасидин сув ичиб кўнгил
кўзи,
Истадим ҳусну чиройингга ривожи беҳисоб.

Ул нигоҳ нози шифобахш, қаҳри оташ ёндирур,
Қалб йўқотмиш тинчини гўёки бир қатра симоб.

Лаъли лаблар шарбатин сўрдим гулобинг
қандидан,
Масту сархуш бўлмишам дилдор магар сўндинг
шароб?

Айт, гулобингга муҳаббат бодасин қўшдингми ё,
Дил ўшал дамдин буён ёдинг-ла чеккай изтироб.

Мансурийни куйлатиб қўйдинг хумор кўзли
хумор,
Май керакмас, жом аро келтир гуландомим
гулоб.

ДАВР ҚУЕШИ ШУЪЛАСИ БОШИМДАДИР (Навомийга назира)

Тенги йўқ ҳусну малоҳат ул қалам
қошимдадур,
Ул қалам қошимни савдоси бу дам бошимдадур.
Укратиб мулки муҳаббат боғида севдим ани,
Тўлғанур белида сочи ўн саккиз ёшиндадур.
Деса бўлғайким, гўзаллик кишварин султонидур.
Жўмлаи хўблар жамоли ҳусни наққошиндадур.
Бахтли даврон нашъасидин токи бўлдик
баҳраманд,
Дилда меҳрим эл-диёрда туҳфадур, баҳшидадур.

Ешлику ғайрат билан чүлларни бўстон айладик,
Бу кабу эзгу-тилак ҳам барча тенгдошимдур,

Юрт жамоли, ёр висолидин нигоҳим нурланур,
Чунки ёрқин тақдирим даврим тамал
тошиндадур.

Севги бобида етибдир Мансурий мақсудига,
Даври шамс шуъласи бул дам ҳам менинг
бошимдадур.

ҒАЗАЛ

Нозими нозик назарга назми гулрухсор ғазал,
Шоири шайдо кўнгилга дилбари дилдор ғазал.

Мисралардир қомати нозик ниҳолларга қиёс,
Саҳфаларда саф тизилган кўзлари хумморм
ғазал.

Ул қалам қошлардин андоза олиб қофиялар,
Ҳам радифдек бас латифу хуш баёни бор ғазал.

Нуқталар — гулгун ёноқлар узра зеб, дурдона
хол,
Гоҳ саволга тутқину гоҳи хитобга зор ғазал.

Ошиқу маъшуқалардир ундаги ҳар битта байт,
Бир-бирила сирлашиб розин этар изҳор ғазал.

Мен ғазалда нақш этарман истагим, орзуларим,
Чунки у сўнмас ҳаётим, умри пойидор ғазал.

Дил бериб жонана янглиғ Мансурий хобин
олиб,
Тунларин тонгга улаб тутмиш уни бедор ғазал.

САВОЛ-ЖАВОБ

(Эркин Воҳидовнинг «Истак» ғазалига жавоб)

Эркин Воҳидов:

— Исми не ул қушниким, на жисми бор,
на жони бор,
Изла топ, не боғким у на ҳадди на поёни бор.

Бобоқул Мансуров:

— Ул хаёлдир қуш мисоли ҳар томон жавлони
бор,

Орзу-умид боғининг не сарҳади поёни бор.

Эркин Воҳидов:

— Сой неким ул бўлғай унда на қарору на қанор,
Сув не ул, қонмоқниң унга на илож имкони бор.

Бобоқул Мансуров:

— Тошқин ул сой ёшлигинг, соҳил қанора
бilmagay,

Ул тириклик чашмаси қонмоқни не имкони бор.

Эркин Воҳидов:

— Тот надирким чўққисиди ким тўла забт
айлаган,

Тирмашиб ётқувчи элнинг не саноғ на сони бор.
Бобоқул Мансуров:

— Илм тогин чўққисини ким тила забт айлаган,
Насли инсонни ҳамон бу жабҳада армони бор.

Эркин Воҳидов:

— Арғумоқ неким унинг бор на жилов,
на жабдуғи,

Андалиб неким, унинг ҳар дилда бир ошёни бор.
Бобоқул Мансуров:

— Ишқ жиловсиз арғумоқдир, ихтиёринг
олгувчи,

Андалиб севгини ҳар кўнгил аро ошёни бор.

Эркин Воҳидов:

— Комронлик унга етмоқ етмаган армон билан,
Ким мувашшаҳ битди Эркин, кўнгилда армони
бор.

Бобоқул Мансуров:

— Мансурий нозик саволга таъби әркинлик
керак,

Ўтса саҳв, маъзур тутарлар, узри бепоёни бор.

ГУЛ САРАЛАБ

Авлодлар изйдан-излаб келаяпман,
Турмушдан гүзэллик күзлаб келаяпман.

Навоий гулшани, чаманзорлариdan,
Анвойи гуллар саралаб келаяпман.

Дүстлик, тинчлик, муҳаббатдир ҳаёт рамзи,
Қардошлик оҳангин созлаб келаяпман.

Ижод азоб-заҳматларин қилмай писанд,
Ғазал завқин дилга қадаб келаяпман.

Ҳалол ва пок яшаш инсон зеб-зийнати,
Ҳаёт завқин шундан истаб келаяпман.

Яхшиликка, әзгуликка дилгинам ўч.
Эзгуликни дилдан эъзозлаб келаяпман.

Мансурий эл-диёрининг бир куйчиси,
Дил розимни сизга сўзлаб келаяпман.

Мансурий эл-диёрининг бир куйчиси
Дил розимни сизга сўзлаб келаяпман.
Мансурий эл-диёрининг бир куйчиси
Дил розимни сизга сўзлаб келаяпман.
Мансурий эл-диёрининг бир куйчиси
Дил розимни сизга сўзлаб келаяпман.
Мансурий эл-диёрининг бир куйчиси
Дил розимни сизга сўзлаб келаяпман.
Мансурий эл-диёрининг бир куйчиси
Дил розимни сизга сўзлаб келаяпман.
Мансурий эл-диёрининг бир куйчиси
Дил розимни сизга сўзлаб келаяпман.
Мансурий эл-диёрининг бир куйчиси
Дил розимни сизга сўзлаб келаяпман.
Мансурий эл-диёрининг бир куйчиси
Дил розимни сизга сўзлаб келаяпман.
Мансурий эл-диёрининг бир куйчиси
Дил розимни сизга сўзлаб келаяпман.

ЗИЁВУДДИН
ҚҰЗИЕВ



УЙГОҢ ЭРТАНЛАР

Зиёвуддин Құзиев 1956 йили Хатирчи ту-
манидаги Сангижумон қишлоғида таваллуд
топган. Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика институтининг ўзбек тили ва ада-
биёти қуллиётини тамомлаган. Ҳозирги вақт-
да ўзи вояга етган қишлоқдаги 40-ўрта
мактабда директор бўлиб ишламоқда.

Ўқувчлик кезларидан бадиий ижод би-
лан шуғулланиб келади. Шеърлари респуб-
лика ойнома ва рўзномаларида, «Ёшлар ово-
зи», «Ёшлиқ» баёзларида босилган. «Қалбим
баёзи» номли илк шеърий китоби нашр қи-
линган.

МАНЗАРА

Оғочларнинг тароватсиз, чўнг
Елкасига илиниб олиб —
Оппоқ ҳарир мезонларини
Хилпиратар тантি куз — голиб!
Хийлагина салқин шамоллар
Чорбоғларнинг тинчни бузар.
Сариқ, қизил рангли баргларга
Тўлиб борар кимсасиз гузар.
Хаёллий бир тақдирнинг саси,
Ич-дилимни роса эзгилар:
Гўзаллик деб аталган бир пайт
Пойингдаги хазонрезгилар...

* * *

Сирли оқшом.
Майн ел эсар.
Нишламоққа тушар куртаклар.
Ёдингдами, тинглаганимиз,
Дараҳтлардан уйғоқ эртаклар.
Энди бунга келмай яшаймиз,
Лоқайд ва қурс одамларга хос.
Эсиз, эсиз тутзорлар ичра
Қолиб кетди бизнинг эҳтирос.

ҒАЗАЛЛАР

Қуш бўлиб учсан самода,
қўшқанот-дўстлар менга,
Бегубор ҳам бағри чексиз
коинот-дўстлар менга.
Зим-зиё әргайки дўstsиз
ёруғ олам бағрим ҳам,
Тунда ҳам балқай қуёш
боққанда шод дўстлар менга.
Ғам-ла ўртанган юрагим
пурвиқор тоғдек қилур,
Қўрсатиб юз ҳурмату,
минг илтифот дўстлар менга.
Доимо шодлик ва бахтга
ҳамнафас бўл деб улар,
Заррача дард, ғамни ҳам
қўргай зиёд дўстлар менга.
Мен — Зиёбек барҳаётман
бир умр сизлар билан,
Иўқ, керакмас ҳеч качон
сизсиз ҳаёт дўстлар менга.

* * *

Яшнасин мисли чаман, мангуга бор бўлсин
Ватан,
Кўрмаган мозий замон бахтига ёр бўлсин
Ватан.
Бахтиёрлар даврасини кенг олинг дўстлар, vale,
Шум ниятли бандаларга тангу-тор бўлсин
Ватан.
Ким она тупрогини тарқ айламоқ истарки, ул —
Тентираб ўлсин гадодек-нонга зор бўлсин
Ватан.
Тортмасин уфқинг шафақ, тир тутмасин қўллар
яна,
Ҳар сўзинг тинчлик деган эзгу шиор бўлсин
Ватан.
Мен фақат бағрингда булбул, ўзга юрт
тупроғида,
Бермағай илҳом менга хоҳ юз баҳор бўлсин
Ватан.

* * *

Чиройинг олдида ҳайрат билан қолдим ва тан
бердим,
Сабаб шул бўлди қалбимдин муҳаббатга Ватан
бердим.
Ҳали кўрган эмас аҳли башар сенек тамоннони,
Юзинг-хуршид, баҳойингни қуёшга нисбатан
бердим.
Эми мен бир мажолсиз бандаман, ақлу-ҳушим
кетди,
Билолмайман-нени бердим, не берсам дафъатан
бердим.
Белимдин куч, кўзимдин нур, ҳаловат кетди
жисмимдин,
Номим достон ўлиб элга, йўқолди қадру-шаън
бердим.
Зиёбекдин нима истар эсанг иста, фақат майл
эт,
Муҳаббат нени лозим кўрган эрса, гулбадан,
бердим.

* * *

Кириб бундоқ муҳаббат деб аталмиш бир
музофотга,
Етишини қўзласам айбму висол отлиғ мукофотга.

Сени кўрдим-да оҳ урдим, на бир сўйлашга
улгурдим,
Қачон мен дуч келиб эрдим-бу янглиғ бир
латофатга.
Юзинг-хуршид, қаролмайман, ўзимни
бошқаролмайман,
Мен-эй бардош беролмайман-бунингдек ўтли
офатга.
Мени чорлар мудом бир чўғ, ўшал парвоналар
янглиғ,
Қўлимда севгидан бир туғ-ризомен ҳар
талофатга.
Зиёбек бўлмагин дилхун, сабр таги эмиш
олтин,
Табиинг ҳам келар бир кун-қўюр малҳам
жароҳатга.

* * *

Юрак зиммангдаги бурчни адо этгин, адо
этгин,
Шу бурч деб майлига ўзни адо этгин, адо
этгин.
Тўкиб сол неки бор тилга, қалам тарк этмасин
қўлни.
Севинч, шодликни мадҳ айлаб нидо этгин, нидо
этгин.
Агар ақлим ёмон йўлга мени бошлиб кетар
бўлса,
Уришдан тин-ҳаётимдан жудо этгин, жудо
этгин.
Гўзал юртимни ташлаб мен кетар бўлсам
йироқларга,
Софинтир, тентират елдек-гадо этгин, гадо
этгин.
Зиёбек, севмаса халқинг, сенга шоирлик ҳам
ҳайфи,
Ватан-чун танда жонингни фидо этгин, фидо
этгин.

Арзимас, ҳам қилма бошни ўзлигинг мағрур
қил,
Ушбу ғам дунёсига ўт қўй, дилинг масрур қил.
Ном чиқармоқ мумкин ҳар ким ки ёмонлик
бирла ҳам,
Яхишилик бобида номинг эл аро машҳур қил.

Бу ҳаёт сирли китобдир мушкул уқмоқлик ани,
Ташна зеҳнинг бирла обдон ҳар бетин таҳрир
қил.

Не ният қилдинг анга ғолиб ишонч бирлан
кириш.
Қайси иш бошини тутдинг аввалин охир қил.
Эй Зиёбек, бор умрни ўқиб-ўрганмоққа бер,
Бахтга интил, ўзни ҳур қил, қўлларинг моҳир
қил.

* * *

Ўзгалар қуёши минг чароғондир.
Уйингдаги митти чироқча бўлмас,
Бироннинг миннатли банорас тўни
эски тўнингдаги ямоқча бўлмас.
Мустақил бўлди юрт, маҳкумлик сўзи,
эрк сўзин олдида тирноқча бўлмас.
Юрт кўкига эмди лочинлар керак,
бунда ўзга лочин бир зогча бўлмас.
Ўзин юртпарвар деб сановчилар кўп,
юзин жамласангиз Широқча бўлмас!
Зиёбек чорловчи оғушлар кўп, лек,
она юрт очгучи қучоқча бўлмас.

ТҮРТЛИКЛАР

Хасталикдан азоб чекса жон,
Ё қўрқувдан босса ҳаяжон...
Қизиқ, ботир оталар қолиб,
Накот кутиб деймиз: «Онажон!»

* * *

Шоирман, не тақдир кўриб кетаман,
Илҳом оғушида эриб нетаман.
Бу қутлуг қаламни кимдандир олдим,
Ва мен ҳам кимгадир бериб кетаман.

* * *

Магрур бош ҳам чиқди икки мотамдан,
Айрилиб қолганда онам, отамдан.
Энди ким қувонар зафарим кўриб,
Энди ким куйинар қилган хатомдан.

* * *

Бирорта дардгами чалингандада тан,
Азиз дўстларингни йўқлар экансан.

Ва шунда ҳаммаси бўларкан маълум,
Қай қалбга қай хилда меҳр эккансан.

* * *

Вақт тутқич бермай югуриб борар.
Бизни ташвишларга йигириб борар.
Ёшимизга бир улуғлик қўшиб.
Умримизни бир-бир чегириб борар.

* * *

Агар кўтарилса эл баракаси,
Тотимас минг тўкин тўй-маъракаси:
Пойгаҳда ўтириб донишмандлари,
Тўрга чиқиб олса нодон, нокаси!

* * *

Хаёт түйнигидан зап бўйлагандик,
Бўлар-бўлмас сўзни хўб сўйлагандик.
Аввал унут қилиб, охири йиқди,
Дунёни беҳисоб деб ўйлагандик.

* * *

Хаётда энг мунгли нидони мен кўрдим,
Найнки айрилиқ, жудони мен кўрдим...
Чўғдек ёниб ётган қисмат олдида.
Қудратли ҳам оқиз худони мен кўрдим.

* * *

Бирор ном чиқарди хуш қомат билан,
Бирор обрў топди хушомад билан.
Икков ҳам ўзлигин овутиб ўтар.
Пир этиб учгувчи қуш-омад билан.

* * *

Қанча одамларни синааб ўтказдим,
Марду — номардларга қўлни тутқаздим.
Бир оғиз ширин сўз гадоси бўлиб,
Ўзини алдаш билан ўтдим-ютқаздим.



САЛИМА
УМАРОВА

ЮРАКНИНГ РАНГЛАРИ

Салима Умарова Навоий туманида таваллуд топган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. Талантли ижодкор Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси. Публицистик китоблар муаллифи. Унинг ҳис-ҳаяжонга йўғрилган шеърлари мухлислар эътиборини қозонган. Айни пайтда Салима Умарова Навоий вилоят «Дўстлик байроғи» газетасида бўлим мудири вазифасида ишламоқда.

ҚОДИРИЙНИ ЭСЛАБ

Деворда улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг қамоқхонада олинган мунглиғ сурати осигулиқ турибди.

Кўзингизда ғамдам безган, ғам йиглайдур,
Ижод дарди билан тўлиқ дам йиглайдур,
Болам, дея зирқираб Олам йиглайдур,
Разолатга қурбон бир Одам йиглайдур.
Олтиң қалам оғам, ўтда куйган оғам,
Рост сўзлари тилло бошин ўйган, оғам,
Қатогоннинг қўлларими Сизни топган,
Е гайри куч Сизга тузоқ қўйган, оғам.
О. бу қаро куч, қаро куч Сизни еди,
Бир Сизнимас, Сиз-ла қанча ҳисни еди.
Эл бошига келган бало-юҳо каби
Қанча борни, қанча дала-тузни еди.
Гоҳо шу куч таъсирида озурда жон,
Гоҳо шу куч ишин қилас пойлаб имон
О. Қодирий бобо руҳи-паноҳимиз,
Қўлланг, юртдан кетмасин ҳеч энди Имон.

ЁЛФИЗ АЁЛГА

Орзуси бечора, илинжи ғарид —
Юрмаган кунларга имкон ахтариб,
Ҳаётнинг юкини ёлғиз кўтариб,
Энди сен ҳам тутма хиёнат, дунё.

Кўзида кўмилган армонли кечмиш,
Чанқаса сабрнинг шаробин ичмиш.
Тақдир манглайига бардошни битмиш,
Энди сен ҳам битма хиёнат, дунё.

Уни заррин тўнли ғийбатлар севар,
Бадкайф, худкайф бўлган улфатлар
«севар».
Балки меҳнат отлиғ зиҳқатлар севар,
Энди сен ҳам севма, хиёнат-дунё.

Остонаси пастдир у яшар уйнинг,
Нишони бўлмишдир, ҳар бир бадгўйнинг,
Оҳангги чиқмасмиш чалганда куйнинг,
Энди сен ҳам ютма, хиёнат-дунё.

ШУКУР БУРҲОНОВГА

Қисмат шунча бўларми бадкор,
Эдип шоҳни ёқар номус-ор.
Дунё кўрган кўзларин ўйиб
Дили таскин топдими бир бор?

Кўз оғригин сезмади ҳатто,
Дарди оғир, жуда оғир, оҳ!
Кўз нима у, ўйилса юрак,
Қисмат, сенсан бу мудҳиш хато.

Зимзиёга айланди ногоҳ,
Осмон, Замин, Тириклик, Хилқат.
Итоатга исён бўлиб ё
Бағрингга чоҳ ўйдими, қисмат?

ОНА ЎРНИН ОЛМА, ХИЁНАТ!

Бир аёл тарқ этган уйда
тўрт бола ўзича яшамоқда.

Бунда армон она, изтироб она,
Тунлар бўлаверар қўрқўв парвона.
Ўкинч-ла кўзатиб қолар остона,
Ва яна қаршилар ўзи ягона
Бунда она ўрнин олган хиёнат.

Она деган сўз-ку алам қўзгайди,
Маъсум юракларда дардлар бўзлайди,
Кўзлар жавдираиди, недир излайди,
Жажжи кичкинтоллар ўксик сўзлайди,
Бунда она ўрнин олган хиёнат.

Ичиди бўларкан одам оласи,
Изсиз она кетди — юрак ноласи.
Диливайрон экан инсон боласин,
Эшитган бу гапга ҳайрон қоласиз,
Бунда она ўрнин олган хиёнат.

Ота ўлим мұхрин ўйди юракка,
Мурғак жонлар муштоқ қолди тиргакка.
Синовлар айирди пучак-саракка,
Болалар умидин тиккан фалакка,
Бунда она ўрнин олган хиёнат.

Оналик хонадон түладир, обод,
Бахт улки-фарзанди чарақласа шод.
Оналар, Сизлардан кутаман имдод,
Она деган номга етмасин иснод,
Асло она ўрнин олма, хиёнат.

ИҮҚОТИШ

Оқшомларга бермасдим Сизни,
Оқ тонгларга бермасдим Сизни.
Атиргулнинг сояларида
Асрар әдим изларингизни.

Бугун оқшом раشكимдан йироқ,
Тонглар рангги хира әмас, оқ.
Изингизни қўмсаған боғда
Атиргул ҳам тўқмоқда япроқ.

МЕН КЕЛАМАН

Мен келаман, бир кун келаман,
Дилдан тўйиб, тушкун келаман.
Ё шодликдан гулгун келаман,
Мен келаман, бир кун келаман

Пойингизга тиз чўкаман, тиз,
Қўлларимдан даст тутасиз Сиз.
Висол олди дунёлар ожиз,
Мен келаман, бир кун келаман.

Тоғлар бийрон сўзлай билганда,
Дарё куйлай-бўзлай билганда,
Хиёнатлар қизлай ўлганда
Мен келаман, бир кун келаман.

СЕНСИЗ

(Үғлым Фарҳоднинг ёрқин хотирасига)

Кунлар ўтаверар сенсиз саргайиб,
Тун азоб рангтига бағрини чайиб.
Тонготмас, андуҳдан юрагим майиб,
Болам, қисматингда аламим қолди.

Дилдош дўстим бўлиб диллашган, болам.
Кўксингда яшарди порлоқ бир олам.
Бугун бари битди, ўрнида бир Гам.
Болам, қисматингда Оламим қолди.

Энди менга гуноҳ-савоблар ҳечдир,
Дунё дардларидан бу кўнгил кечди,
Сенсизлик жонимни сипқориб ичди.
Фақат қўлда бўзлаб қаламим қолди.

Болам қисматингда дард, ғамим қолди...

* * *

Юрсам йўлларимга андуҳу тўкилди,
Дардим кўтаролмай ер ҳам букилди.
Кулсам кўзларимда қайгу-гам кулди,
Алпомишим-болам, Сендан айрилдим.

Софинч ичаверар юрагим эзиб,
Мен яшайвераман яшашдан безиб,
Чеҳрам ҳам, меҳрим ҳам, дунём ҳам тўзиб,
Алпомишим-болам, Сендан айрилдим.

Сароб бўлган орзуинг армон букун.
Комил дунёларинг қатли жон букун.
Хотиралар доримга арқон букун!
Алпомишим-болам, Сендан айрилдим...

* * *

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, ўлан йиглар ёр-ёр,
Бахт дегани ёқачок, кўксин тиглар ёр-ёр.
Ёр-ёр айтинг, жон қизлар, бахт тутмаган йигит
деб,
Гўшангада бош эгиб кутмаган йигит деб.

Әр-әр айтинг, жон укам, қыз бармоғин тутмаган,
Құлда даста гул билан әр соғиниб кутмаган,
Паймон күтган соғиниб бир армонали йигит деб,
Әр-әр айтинг жон укам, дили қонли йигит деб.

Әр-әр айтинг, оғалар, алп бўйига ярашиқ,
Осмон қадар орзуси ишқ-ўйига ярашиқ
Әр-әр айтинг, ўқсик дил ўқинчларда қолди, деб
Шафқатли қалб шафқатсиз дарддан охир толди,
деб.

Әр-әр айтинг, «ёр-ёр» дан бенасиб бир замон
деб,
Әр-әр айтинг, жувонмарг бўлган Фарҳод ўғлон,
деб.

* * *

Меҳнату аламларга мубтало,
Увайсийман.

Бу даҳрнинг ғавгосидан кўзим тўла ёш бўлди,
Ела-югурга етганим бугун гунг бардош бўлди,
Дилдош истаб, дўст топганим қўйнида-ей тош
бўлди.

Сизку ғариб ўтгандингиз, мен сарғариб,
МОМОЖОН.

Меҳнат енголмаган эди ушоқдай бу жонимни,
Ғаму алам панжасида кўринг қад-камонимни.
Кетсам ўзим билан олиб кетарман армонимни,
Сизку ғариб ўтгандингиз, мен сарғариб,
МОМОЖОН.

Соғинч отлиғ Азоб яйрар алпдай ўғлим жойига,
Хотиралар қўрғон ясаб, ўтган изу пойнга.
Бота-чўка оқар бўлдим андуҳларнинг сойига,
Сизку ғариб ўтгандингиз, мен сарғариб,
МОМОЖОН.

Болам, десам бағрим-богу бўстонларим куйди-да,
Фарҳод номи, хўп дилнавоз достонларим
куйди-да,
Кечам, Бугун, Эртам, Еру Осмонларим куйди-да,
Сизку ғариб ўтгандингиз, мен сарғариб,
МОМОЖОН.



МАРУСА
ХОСИЛОВА

НУЗ МЕНГА ҮХШАЙДИ...

Маруса Хосилова талантли шоира, истеъдодли журналист. Унинг самимиятга йўғрилган шеърлари аллақачон ўз ўқувчисини топган, адабий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланганди.

Марусанинг шеърларида рангинлик бор. У гўзал мисралар битади. Маруса ёниб ёзади, баъзан маҳзун ёзади. Дунёни бокира қўрмоқни истайди. Шоирнинг орзулади кўп бўлади, орзудан кўра армонлари бисёр. Шоирнинг қисмати шундай. Энг гўзал орзуларнинг ҳаммаси олдинда. Мана бир неча йилларки, Маруса шундай орзулар оғушида яшайди.

ИСТАК

Пул ҳидига маstлар кўпайди,
Гул ҳидини унутиб қўйдик.
Боғбон, халос этгил,
Бу дарддан —
Гулларингни пуллагин
АРЗОН...

ХАЁЛ БИЛАН ЎТИБ БОРМОҚДА

Хаёл билан ўтиб бормоқда,
Ҳувиллаган ёз кечалари.
Армон изи билан тўлдириди,
Ишқ аталган дард кўчаларни.

Хазон супураман қалбимдан,
Ойдин кечалардан юраман қочиб.
Ўтган кунлардан-ку кетдим кўз юмиб,
Фақат хотирамнинг кўzlари очиқ.

КЎЗ МЕНГА ҮХШАЙДИ

Куз менга үхшайди,
Юраги яра.
Бағрида хазонлар
Иифлаган.
Заъфарон рангга
Не чегара,
Нима у юракка
Сигмаган.
Нима у юракка
Сигмаган?
Тиғланган дилимни
Боғлаган.
Энг сўнгги япроқман
Узилган.

Изимда муҳаббат
Бўзлаган.
Мен Сени қалбимга
Кўмганиман
Ва шуидан юрагим
Музлаган...
Куз менга ўхшайди,
Юраги яра...

* * *

Бу йўлларнинг юлдузи ўлган,
Баҳорлари қайтиб келмайди.
Умрим фақат хазонга тўлган,
Бирор билар, бирор билмайди.

Адаштирган тақдир йўлимни, —
Қувончларни қайтариб бердим.
Энди бўшаб қолган дилимни
Қайгуларга улашиб бердим.

Кимнинг пешонасин қирган баҳт,
Менинг эшигимга ёпишди.
Томирларим-қуриган дараҳт
Армон қонимгача қоришди.

Ахтараман йўллар сарғаяр
Менинг сииқ рангимга қараб.
Умрим етмас Сизни топишга
Сиз-чи, афсус келмайсиз сўраб...
Бу йўлларнинг юлдузи ўлган...

* * *

Ұнинчи сентябрь —
Бизнинг ҳовлимиизга ғам ботган кеча,
Айрилиқ тошларни эритган кеча,
Кузнинг соchlарини оқартган кеча,
Сиз деб бўзладик...

Ұнинчи сентябрь —
Чинорларнинг бағри тилинди бу кеч,
Қишлоқнинг юраги юлинди бу кеч,
Сизсиз ҳеч кимлигим билинди бу кеч,
Етим сўзлар ҳам...

Ұнинчи сентябрь —
Жоннинг жаллодлари қувонди бу кун,
Умр армонлари ўқинди бу кун,
Хатто ғанимлар ҳам ЎТИНДИ бу кун,
Ғаразни унутиб,
Азобда ёниб...

Ұнинчи сентябрь...

ҚҰШИҚ

Озормисан, ҳижронмисан ё бардош,
Юрагимда ёнган парча чўғмисан?
Қарайверсам қароқларда қалқир ёш,
Музлаб ётган қорли-қорли тоғмисан?

Баҳорларни силкиб кетди шамоллар,
Согинчлари тўқилган йўл-бормисан?
Юрагимда қўшиқ бўлди армонлар,
Сен ҳам мендек бир ҳамдардга зормисан?

Осмонларда ёнар гулхан-аланга,
Бардош эмас, қалблар кулга айланар.
Ёзган билан бўзлар, синар қаламлар:
Иўлларимиз қачон бирга бойланар?..

ХАТ

Сиздан кечиб кетолмайман барибир —
Узоқларда кечётган кунларим.
Согинчларда адo бўлди бу бағир,
Она! Сизни туш кўради тунларим.

Қийналаман фақат ҳижрон дардида,
Кўнгил қўмсар узоқ-яқин барчани.
Узатинг Сиз изларингиз гардида,
Ўқиб бўлгач юрагимнинг парчасин...

ҲУВИЛЛАГАН БОҒЛАР МЕН БИЛАН...

Ҳувиллаган боғлар мен билан,
Сиз билан гул кўтарган тонглар.
Ғам кўтарган тоглар мен билан,
Сиз билан БАХТ тўла оҳанглар.

Аччиқ-аччиқ кўз ёшлар менинг,
Қувонч деган дунёлар Сизга.
Фақат ўлмай қолган хаёлнинг
Кўчалари боғлайди бизни...

САККИЗЛИК

Мен ишониб яшадим узоқ,
Мўъжизасиз, ёлғон тушларга.
Не учундир айлагим келар,
Тобутларсиз ўлган қушларга.

Руҳимдаги жон эмас, исён.
Умидлари кўмилган армон.
Мен ўзимни ахтариб бўлдим,
Сизни эса йўқотдим, ТАМОМ!..

ҚУЗНИНГ КЎЧАЛАРИ...

Қузнинг кўчалари ҳувиллаб бўлди,
Қишига совға қилди изтиробларни.
Муҳаббатнинг маъюс гуллари сўлди,
Кутишдан чарчади оҳ-фарёдларни.

Ғамлар қадаҳларга жойланди,
Азоблардан ўзга ҳамдард йўқ.
Менинг юрагимда мангу занглайди,
Сизнинг кўксингизга қадалмаган ўқ...

* * *

Биламан, сўзларим шамолдай изсиз,
Қай бир садолардай ўтару кетар.
Қоғоз ҳам Сиз каби бепарво, ҳиссиз,
Истаса осмонга армонсиз етар.

Етар қадамидан қолган излárда,
Тупроқда кўзимнинг меҳри унади.
Миллионлаб шам ёнар Сизни эсласам,
Армонлар тунида миллион шам сўнар.

Сўнар, хаёлимнинг бойчечаклари,
Юракнинг овози чиқмай қийналар.
Тиканлар бағримга санчилар тифдай,
Яшасам, мен Сизни ўйламай.

ОЙБУВИ
ОЧИЛОВА



КУРТАКЛАР ҚҰШИФИ

Ойбуви Очилова Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги Султонобод қишлоғида туғиляган. Тошкент Давлатдорилендик физика-математика факультетини тугатган. Навоий вилояти «Дўстлик байроби» рўзномасида хизмат қилади.

Шеърлари вилоят, республика матбуотларида эълон қилинган. Унинг ижодида инсон қалбидаги нозик кечинмалар, тириклик дунёсининг биз англаган, англолмаган маҳзун чизгилари, меҳру-муҳаббатнинг ҳароратли туйғулари ўзига хос тарзда ифода этилади.

КУРТАКЛАРГА ҚУШИҚ АЙТАР ШАМОЛЛАР

Сен истаган у кун келади,
Кипригингдан титраб оққан севинчдай.
Тонгда деразангга боғлаб юлдузни,
Сўнгра ширин бахтни туйган илинждай
Қалбингга шуълалар ёғдириб

Сен истаган у кун келади,
Шунда илк бора гулга кирав ниҳоллар
Димогингга навбаҳорни сочишар
Куртакларга қўшиқ айтар шамоллар.
Лабларингдан бўса изин артишар
Севгингга гулханлар ёндириб.

Сен истаган у кун келади,
Майсаларнинг юзларига юзини босиб
Тўқсон етти баҳорини қучган момодай
Сени оппоқ орзуларнинг бағрига олиб
Юрагинг шукуҳга тўлади —
Сен истаган у кун келади.

КУЗ ХАЁЛИ

Япроқларни алдаб ўйнайдии шамол,
Дараҳт айрилиқдан титраб кетади.
Маъюс бир қўшиққа боғланар хаёл.
Баҳор соғинчларинг ўртаб нетади.

Тўкилиб кетади бағрим эгатга,
Наҳот юзларингни яширсанг қуёш.
Жойлаб бўлмас экан ризқни этакка,
Заминга тўкилса меҳнату бардош.

Ҳар кузак бир йилни кетаркан олиб
Ўмр ўтиб борар кўнгил тўлмайди,
Табиатнинг сарғиш рангига боқиб.
Она, оқ соchlаринг мени қийнайди.

* * *

Бу дунёning завқидан, ғавғоси кўп Эркинӣ,
Сен англаган, билмаган савдоси кўп Эркинӣ,
Маъсумгина нигоҳинг яшар армон тубида
Миш-миш чиқса қай жойдан, ошноси кўп
Эркинӣ

Сенинг оппоқ куйлагинг этагида дөғи йўқ
Сен кирган гўшаларнинг чечаги кўп, зоги йўқ
Сен алданган дунёниг йиглайдирган чоғи йўқ
Қаҳ-қаҳ кулгуларингда ўкинч бўзлар Эркиной.

Ўркач-ўркач булатлар бағрига боқ, ойсан Сен,
Кимларнингдир кўксини жизиллатган майсан
Сен,
Кўлмак эмас шовуллаб оқиб турган сойсан Сен
Ҳар нигоҳда гул ундири, сўлим боғ бўл
Эркиной!

* * *

Сен қалбимга тошлар отдинг,
Метин бўлдим, дош бўлдим.
Муздан ясаб сўзлар отдинг,
Жўилмайдим «дилкаш» бўлдим.
Ўйладингки, аста-аста
Куяди кул бўлар деб
Ўйладимки бу бир хаста
Кўлидан шу келар деб
...Мезонгача етган олма
Тўкилмагай ҳар кимга
Сен отган тош келиб тегди —
Айнан менинг ўзимга.

УРУШНИНГ СУРАТИ

Арава кетиб борар орқасида оҳ қолди,
Чимилдиғи йигилмай, бева бўлган моҳ қолди.
Беланчакдан эшикка мўлтирайди мурғак жон
Эсин таниб отасин қўчолмаган чоғ қолди.

Арава кетиб борар белин боғлайди аёл
Юрт дардини олмоққа ўзни чоғлайди аёл
«Ожизани хўрлаган хароб бўлар, хор бўлар»
Бир жонин қирққа бўлиб ёвни талайди аёл.

...Қип-қизил қон устида ғалаба тонги отди
Арава қайтди, лекин чўп оёқ белга ботди
Бу кунга етганларнинг армони кўп, дарди кўп.
Шу армон, дард ичинда зафар қўёши балқди.

Буюк зафар шарафин аёл сенга атайман
Тинчлик деган бөгингө гулдан ҳайкал қўйя ман
Истиқлол сари дадил қадам қўйган элимга
Уруш давридагидай онаизор тилайман.

СОКИН ШАҲАР АЛДАДИНГ МЕНИ

Сокин шаҳар алдадинг мени
Кўзи кўр эканку одамларингни
Бунда қоғоз гуллар арзанда, суюк
Харидори хароб райхонларинигни

Қай гўшангда бўзлар қўли синиқ баҳт
Вафонинг кўзига тупроқ уйилган
Остонангда йиғлар экан садоқат
Қурбонликка ожиз кўнгил сўйилган

Сагир ҳақиқатнинг юкидан толган
Ҳақ сўзниңг енглари йиртиқ, пойи чоҳ
Омад чоригини йўқотиб қўйган
Ота уйи эмас бунда саждагоҳ
Сокин шаҳар алдадинг мени.

СИНГИЛГИНАНГ ҚУШДИР БИР КУН...

Сингилгинанг қушдир бир кун учар кетар
ўғлоним,
Унинг маъсум кўзларига, сўзларига тўйгин сен.
Очиқ қолган тутгаларинг ёпиб қўйса билдирамай,
Унинг нозик бармоқларин кўзларингга сургин
сен.

«Ака» деган илтифоти сир бўлади бир куни,
Ойда келсак уйгинангга нур тўлади бир куни.
Меҳри билан минг бир кўздан асрраган жони
ҳалак.
Кўнгилгинанг ғазнасида дур бўлади бир куни.
Султоним, сен тоф бўлгинай, тоғим бор деб
кетсин у,
Ортгинамда шовуллаган борим бор деб кетсин у,
Шуидан ўзга эҳромни қиз тан олмагай ҳеч
қачон,
Оғагинам хуш этгучи чоғим бор деб кетсин у...
Сингилгинанг қушдир бир кун учар кетар
ўғлоним.

МАҲМУД
МАРДИЕВ



ЯШИЛ КУНДУЗЛАР

Маҳмуд Мардиев 1956 йили Нурота туманида туғилган. 1982 йили Тошкент Давлат университетини битирган. «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»), «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон»), «Халқ сўзи», «Зарафшон» ва «Дўстлик байроби» газеталарида ишлаган. 1990 йили «Ўзбекистон» нашриётида М. Мардиевнинг «Олмоқнинг бермоги бор» публицистик мақолалар тўплами чоп этилган. Маҳмуд Мардиевнинг шеърлари қатор тўпламларга киритилган.

* * *

Баҳоргача узоқдир ҳали,
Далаларда ҳоким қаҳратон.
Фалак эса оппоқ йиғлайди,
Қор остида түлғонар райхон.

Бўғотларда туришар сассиз,
Караҳт қотган қушлар галаси.
Кўзларида ўчмаган ҳали,
Қолиб кетган баҳор лаҳзаси.

* * *

Ииқилдинг, окибат ётибсан, мана
Улар қиё боқмас, узатмас қўлин.
Вужудинг титрайди, юрагинг баттар,
Бир ҳамдард кўзларни қўмсайди кўнглинг.

Кимлардир ор қилар бундай маҳалда.
Сен эса соғиниб кутасан яна.
Дўстларчи, чопишар ўз дарди билан,
Кимнингдир уйида қуёқ тантана.

Сени унутишган, сен ҳам унутдинг
Ҳувиллар юрагинг, ҳувиллар хона,
Тўрт девор, бир эшик, битта дераза.
Сен ҳамон ёлғизсан, ётибсан мана.

Ногоҳон бир кимса оёқ учиди
Оҳиста киради хонага масъум.
Тўзғиган сочингни сийпалар майин,
Кўксингга бош қўяр эркаланиб жим.

У шундай пичирлар: «Сизни севаман,
Мен борман, Сиз борсиз, кўркам дунёда»
Ишонинг келади, гўёки бу сўз,
Инсон овозига ўхшайди жуда...

* * *

Оламнинг оромин тўзғатиб,
Қизаради уфқ юзлари,
Ҳадемай, шуълалар қолдирап
Юракда қуёшнинг излари.

Яшаришнинг нурин сипқориб,
Бош кўтарар яна мавжудот.
Ердан олис қуёшга қадар,
Чўзилади бу қадим ҳаёт.

* * *

Тонгга қадар битталаб териб,
Юлдузларни шимиб олди сой.
Ўн беш кунлик ёргинг билан,
Қаерларга кетиб қолдинг ой?

Нурларингга ташна термулиб,
Тиним билмай айланади Ер.
Ўн беш куним қоронғу кечди,
Ўн беш кунлик ёргингни бер!

АРМОН

Шу ерлардан осмон бошланар,
Кенглик жойи бепоён яйлов.
Овлоқ дала, ваҳмни йиртиб,
Яшаяпсиз бамисли олов...

Кўрганингиз, эшитганингиз,
Тушингизга киради сахар.
«Бўлсан эди тоғларда бир кун...»
Кўнглингизда бир армон яшар.

Ниятингиз, орзулалингиз
Айланади қатъий қарорга:
«Бир кунга ҳеч қиёмат бўлмас»
Ва қайтаман эрта наҳорда.

Сўнгра, яхши ниятлар билан
Йўл халтасин олдингиз қўлга.
Тез-тез қадам ташладингиз сиз,
Қолмай дея ёмғирга, дўлга...

Шивирлаган шамол шошилди,
Барханларга айтар шу маҳал:
«Билдингизми, ташләб кетармиш,
Бундай аҳду йўқ эди азал».

Саксовуллар саҳро гуллари,
Сизни пойлар панада ётиб.
Кўзингизга қумлар сочрайди,
Этигингиз кетмоқда ботиб.

* * *

Амир кетган эди хорижга ахир
Ҳатто гувоҳликка ўтмади тарих.
Кўмондон қамчисин баланд кўтарди,
Излашиб, қолмади бирорта ёриқ.
Амир изларини кузатиб қолган,
Баланд миноралар хаёлга чўмди.
Хукумат эл-юртини қийноққа олар,
«Амир олтинларни қаерга кўмди?».
Шамоллар яширди амир изини,
Минорлар бир умр қолди тилидан.
Қизиллар қўлига ўтгач Бухоро
Гафлатда қолишди тилло сиридан.

* * *

Бизнинг тонгларимиз сабр туғади
Тоқатга таяниб улгаяр бардош.
Оловли қафасга қамайди шундай —
Минг бора ирода синайди Қуёш.

Чидамнинг охири кўринмас сира
Ўтади болалик, ёшлик ҳам битар,
Хотира дафтари авлодлар титар.
Энг сўнгги умид ҳам кўксингдан кетар...

Сен эса билмайсан — умр тугади.
Атрофда ўрмалар қора шарпа-тун.
Оқибат — нақл ҳам алдади бизни:
Сабрнинг тагидан чиқмади олтин.

ҚАИТИШ

Хотиранинг шаффоф синифин,
Тиклай бошлар хаёл-мусаввир,
Хазон босган йиллар ортидан
Тўлғанади сўнгги тасаввур...

Йўлга чиқдим, оғриқ дардидаи,
Софинчларим кетди уюлиб.
Юрагимга чўккан туйғулар,
Кўзларимга келдинг қўйилиб,

Шарқирайди сойлар севинчи,
Тоғлар инграр кўксимда қалқиб.
Софинчларим йўлга айланар,
Мен Зарафшон бўламан оқиб.

* * *

Она ерга тафтини тўкиб,
Ташлаб кетди ҳансираган ёз.
Остонада ҳаяжонли куз,
Юрт шаънига тўқийиди баёз.

Шивирлашиб олтин япроқлар,
Иўлакларни бормоқда кўмиб.
Ёз ортидан термулиб ҳоргин
Куз ёрила кетади тўлиб.

Қайноқ замин соғинчин олиб,
Қанот қоқар жануб қушлари.
Дарахтларда қолар эгилиб,
Куйлаётган Куз қўиниқлари...

* * *

Бу дунёнинг яшил орзусии,
Шамол тинмай тортқилай бошлар.
Адирларнинг сахий бағрида,
Барқ уради кечки майсалар.

Шамол увлар, учар хазонлар
Вужудимда уйғонар титроқ.
Эргашаман, орtingдан ҳаёт,
Умрим дарахт, дардларим ипроқ.

* * *

Учоқларга ўт ташлар ташвии,
Қояларда ўрмалайди шом.
Тун бағрини куйдириб олов,
Бошланади қадрдон оқшом.

Йўлакларга тўшар кўланка
Ой пойлайди кичик дарчани,
Бугунидан кўнгли тўқ осмон,
Варақлайди «Минг бир кечашни.

Осмон тўлиб бораркан бу кез
Улуғбекнинг юлдузларига...
Тонг етаклаб кетади бизни,
Ернинг яшил кундузларига.

* * *

Эркалатиб кутиб олар Тонг
Қуёш томон етаклар Кундуз.
Бу дунёниг кечмишини сўнг
Эртак қилиб сўзлайди Юлдуз.


Вақт занжири тортилар таранг,
Момолар пичирлаб ўқийди оят.
Учаётган юлдузга қараб,
Фолбин бошлар минг бир ҳикоят.

УЛГАИИШ

(Олис ўтмиш хотираси)

«Оиланинг тўнричи сенсан,
Ёш эмассан — ўн тўртга кирдинг.
Ҳаммасини қолдирдим сенга,
Хайр, ўғлим... хат ёзиб тургин...»
Ота кетди жанггоҳга қараб,
Бола... Бирдан қолди улгайиб.
Болалардай тамшанмас тунлар,
Катталардай чиқар тўлғаниб.
У туш кўрар... Ўқлар отилар,
Қонаб ётар кўксида Ватан.
У жимгина тонг маҳал келиб,
Хайрлашди дўстлари билан.
Катталардан қолишига бўлмас,
Катталардай сўзлар айтади.
Ва уйига алламаҳалда,
Бир парча нон олиб қайтади.
Фақат тунда кунларни санаб,
Катталардай ётади уйғоқ...
Гоҳо бир зум ўзга қайтар,
Болалардек йиглайди узоқ.

САЪДУЛЛА
ФАРМОНОВ



СОФИНЧ

Саъдулла Фармонов 1958 йили Нурота туманидаги Оқтепа қишлоғида таваллуд топган. Тошкент Халқ хўжалиги институтини битирган. Нурота тоғларининг юксаклиги, чашмаларининг мавжлари Саъдулланинг юрагига илҳом берди. У қаерда бўлмасин туғилган юрт соғинчи билан яшайди. Бургутлар парвозига ҳавас унинг юрагига беқиёс илҳом бағишлайди. Шеърлари республика, вилоят, газета, журналларида чоп этилган.

СОФИНЧ

«Оқ либосдан ечинган
Қишлоқ узра яшиллик.
Үтди совуқ қиши энди
Оқтов қаддин тутар тик».

Хат ёзибди сингилчам
Софинтириб шу дамда.
Үтар менинг кунларим
Гоҳ шодлигу, гоҳ ғамда.

Ҳамманинг бир ташвиши
Кўнглим очайин кимга.
Шошиб ўтар одамлар
Кўшиламан оқимга.

Тинмас шаҳар уззу-кун
Дилда ҳижрон хониши.
Имиллайди негадир
Баҳор кириб келиши.

Тушларимга киради —
Кўм-кўк бизнинг томонлар.
Буида майса ҳидини
Босиб ётар одамлар.

Тунда шаҳар устидан
Учиб ўтар турналар.
Менда софинч уйғотиб
Кўчиб ўтар турналар.

Сўнди улар «қур-қур»и
Осмон қолди кўзимда.
Қанотим йўқ қишлоққа
Учай десам шу зумда.

Оқ либосдан ечинган
Қишлоқ узра яшиллик.
Үтди совуқ қиши энди,
Оқтов қаддин тутар тик!

* * *

Куни билан ҳориган қишлоқ
Ташвишларнинг ҳайдаб барини.
Ором олар кўкка тикиб кўз
Қаттиқ қучиб одамларини.

Юлдузларни қўмсаб икки дил
Кузатишган қуёшни бирга.
Куни билан йиғлаган согинч
Айланмоқда шивир-шивирга.

Уввос солиб шамол дастидан
Япроқлардан айрилган дараҳт.
Тин олади тонггача уни
Ўраб олар қоп-қоронги тахт.

То кечгача қўшиқлар айтиб,
Кимлар тамом бўлган-адойи.
Шовқинлардан озурда кундуз
Тунда қилиб ётар хиргойи.

Фақат шовқин солади дарё
Жам қилганча олам-чиройни.
Сўнг... кетади бахтдан энтикиб
Босганича бағрига ойни...

* * *

Олислаб кетсам мен, жимгина
Қолгансан изимдан кузатиб.
Илк ҳавас — синган у кўзгуни
Бўлмайди, дўстгинам, тузатиб.
Орқада қолдирдик йилларни,
Неларни йўқотиб қўйдик биз.
Билдиримай эгилиб боради,
Ташвишлар ортилган елкамиз.
Ташиқари қарайсан, сенга ҳам,
Тикилиб туроди ғамгин кўз,
Энтикиб қўясан... Биз учун —
Куюниб яшамоқ бор ҳануз.

* * *

Узилгандай томчи япроқдан
Юрагингдан узилар надир.
Қўл силкийсан эшикда ғамгин
Кетарканман ҳар гал қайгадир.
Чўзилади кундуз бунчалик,
Бунча узоқ туннинг умри ҳам,

Менсиз сенга жуда қийиндир
Сенсиз менга маюсдир олам.

Уй шифтига тикиласан жим
На уйқу бу ва на бир ҳушдир.
Куни билан битмас адоқсиз
Ташвишларинг бари бир тушдир.

Үйлайсанки, мени кетди деб,
Хўрсинасан бўлгунча мулзам.
Мен кетмасман, доим кўзингдан
Софинч бўлиб қоламан, эркам.

ОТ ШАКЛИГА КИРГАН ОЗОДЛИК

От депсинар боғлиқ жойида...
Қийнар ўтган дамлар хумори —
Ташланарди ўртага улоқ,
Қоралярди қирларнинг қори...
Қўшиқчига топилар-ку тор
Айрилса у бир кун созидан.
Қайдан келди лаънати касал
От айрилди чавондозидан.
От депсинар боғлиқ жойида...
Қарамасдан қўйди одамлар
Бир пайт чўғдай ёнган ёлларни
Тарамасдан қўйди одамлар.
От депсинар боғлиқ жойида.
Аччиқ қисмат келди юзма-юз.
Шундан бери тонг отар ғамгин.
Шундан бери кун ботар маъюс.
Ҳар кунгидай келди хўжайин
Недир деди итига қараб,
На силади отнинг бошини
На эркалаб айтди бирор гап.
От депсинар боғлиқ жойида...
Уфқ ёнар гулхандай лов-лов.
Ғазабга айланди ёллари
Кўзларида ёш эмас, олов!
Бўйсунишга тоби қолмади.
Кутиш мумкин эмас, шу они —
Кучга кирди энг сўнгги бардош
Шарт узилди боғлиқ армони.

Бир кишинади, сўнг эса мағур
Кўкрак урди шамолларга тик.
Ана, борар кенгликлар аро.
От шаклига кирган Озодлик!

БУРГУТ ҲАҚИДА ЭРТАК (афсона)

Кўклам чоги қирлар ям-яшил.
Қушлар кўқда учганда шодон,
Икки қўшни кўришди фарзанд
Бирида қиз, бирйида ўғлон.
Сўқмоқларда чопар болалик,
Кўз ёши-ю гуссадан йироқ.
Бир жуфт гулдай ўсар кунма-кун
Уша ўғил, ўша қизалоқ.
Ойлар ўтди, тил чиқарди қиз,
Тил чиқарди маъсум бир тилак.
Ўғил учун куюнадиљар:
Унга забон бермабди фалак.
Ииллар ўтди қиз бўлди сулув.
У қишлоқда аталди якка.
Йигит эса гулга ишқ қўйди.
Куч йигилди икки билакка.
Аммо йигит кўз юммас тунлар.
Айт тақдир тил бермадинг нега?!

У айтмоқчи бўлган қўшиқлар
Сингиб кетган туннинг қўйнига,
Ўтган кунлар ўзгартмас кимни.
Турғун экан дунё ягона.
Эссиз улар бир-бирларига
Бўлиб қолди энди бегона.
Афсус бир кун қўшни ҳовлида
Тўй бошланди, қиз бўлди келин.
Лекин соқов йигитнинг шу дам
Орзулари бўлди чирпарчин.
Гулдай маъсум тилсиз муҳаббат —
Қурбонига айланди туннинг
Қадаямоқда ахир ўқ бўлиб.
Қўшиқ-куйлар қалбига унинг.

Эссеиз битта осмон остида.
Кимларгадир баҳт улашган он,
Уни шундай баҳтсизлик билан
Тақдирлади тақдир-ҳукумрон.
Ғазаб билан отилди боққа.
Дөвү дараҳт гулга чанг солди.
Афсус-меҳр тарк этди буткул.
Ү бургутга айланиб қолди.
Учиб кетди мағрур ва беғарқ
Узоқ-узоқ чүйқилар томон...
Шунинг учун нафрати мангу
Бургутларнинг водийга ҳамон!



ШОИИМ
ШЕРНАЗАР

БЕДОРЛИН

Шойим Шерназар 1958 йил Навоий туманинадаги Туркман қишлоғида туғилган. У ёшлигиданоқ ҳам шеър ёзишга, ҳам расм чизишга қизиқарди. Изланишлари самара бермоқда. Ҳаётдан олаётган ҳис-туйфуарини дам рангин бўёқли чизгиларда, дам шеърмий мисраларда акс эттириб, муҳлислар кўнглидан йўл топаётир.

Шойим Шерназар шеърлари республика, вилоят рўзномаларида, «Ёшлиқ» ойнома ва тўпламларда чоп этилган. У ҳозир «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига ишлайди.

БАҲОРИМ ҚАНИ?!

Афсун ўқиб кетган қор маликаси,
Каражатлик бадига теккан далани.
Юрагимда армон — турналар саси,
Сабодан сўрайман, баҳорим қани?!

Бугун туш кўрибман. Кўм-кўк майсазор,
Ва варрак учирган қишлоқ болани.
Дилимда бир соғинч бир интиқлик бор,
Сабодан сўрайман, баҳорим қани?!

Чақмоқни соғиндим, соғиндимай хўп,
Армонларим ювмоқ бўлган жолани.
Дардлашганга дардим айтарларим кўп,
Сабодан сўрайман, баҳорим қани?!

Тинглаган бормикан ҳар тонг, ҳар саҳар,
Кунчиқарга қараб қилган ноламни.
Соғиниб сўлдимку юзларим рангпар,
Сабодан сўрайман, баҳорим қани?!

ЁШЛИКНИ ҚЎМСАБ...

...Ёшлигимга қайтдим, ёшиликка қайтдим,
Қайтдим томда ўсан қизғалдоқ томон.
Йиглаб, йиглаб унга дардимни айтдим,
Тўлиб кетган эди қалбимда армон.

Ёшлигимга қайтдим, ёшиликка қайтдим,
Қайтдим ўша кумуш жийдазоларга.
Ариққа юз тутган кўприкдан ўтдим,
Сўқмоқ бошлаб кетди майсазорларга.

Кўм-кўк тўшакларда ётибман сархуш,
Турналар тепамдан ўтди тизилиб.
Камонини тортди Ҳасан-Ҳусанлар,
Самога етти ранг кетди чизилиб...

Қишлоқ йўлларида юрибман дайдиб,
Тополмай йўқотиб қўйган нарсамни.
Ахир йўқотганинг келарми қайтио,
Тўлдириб бўларми ўзи бир камни?!

ҚИШНИНГ ОХИРИ

Ўйғонган майсанинг юзида ҳадик,
Чириган хазонлар остидан боқар.
Келин бўлмоқликка шайланар ўрик,
Ҳалзамон момоси ойбалдоқ тақар.

Боботог бошининг оппоқ сочини,
Ғойибдан қиритишлаб кетади кимдир.
Дараҳтлар керишар, олиб кучини,
Еллар айта бошлар бойчечакка сир.

Уялгандан дала кир-чир жулдурин,
Эриниб, эриниб еча бошлади.
Тарновлар тумовдан қоқишиб бурун,
Обидийда қилиб кўзин ёшлайди.

Ҳали турналарнинг келиши узоқ,
Ҳали чўлоқ қарға ҳоким, ҳаккалар.
Муҳими заминда илдизлар ўйгоқ,
Эртага бонг ураг бир-бир куртаклар...

* * *

Қизлар тикар белбоққа кашта,
Йигитлардан нигоҳи йироқ.
Юрак ёнар бир чўғ оташда,
Айтолмайди хеч кимга бироқ.

Сандигида қулфлоқ туради,
Келинликнинг бор бут зийнати.
Умид билан игна уради,
Шу белбогда улар қисмати.

Ибоси бор қизлар азалдан,
Тикиб белбог кутар мардини.
Эшигидан келган совчилар,
Олиб кетар улар дардини.

ИЛХОМ ПАРИСИГА

Майли, қолиб кетай пойгакларингда,
Майлига бермасин тентак тўринч.
Фақат шеърим алла-ла йўргакларингда,
Фақат унга бахш эт, оташ қўрини.

Майли, олиб учма само буржига,
Майли, хилватларда қилсин хиргойи.
Тоғлар кучоғида чиқсин авжига,
Ватан бўлсин унга истаган жойи.

Майли, дарёларнинг тубида оқсин,
Айлансин сийқалиб қайроқ тошларга.
Бир кун келиб эшиклар қоқсин,
Пешвоз чиқса бўлди халқим йўлига.

* * *

Охир бир кун қочиб кетаман,
Деди-деди гаплардан холи
Жойни бориб макон этаман.

Охир бир кун қочиб кетаман,
Қиёфаси ўзгармас элга —
Рухсоридан тўйиб ўтаман.

Охир бир кун қочиб кетаман,
Майли, ўша сахро Кабирда,
Керак бўлса туфроқ ютаман.

Охир бир кун қочиб кетаман,
Ғийбатлари бўлмаган юртга —
Тўғри Сўзни хоқон этаман...

* * *

Ойнинг ёғдулари қуюқлашган тун,
Шу оқшом рангидек ойдин хаёллар.
Ўйларимчувалар узундан-узун,
Чирмаб олар мени минг бир саволлар.

Бир ғирот пишқирап сомон йўлида,
Ҳушимни ўғирлар самовий кенглик.
«Етти қароқчи»лар келар бир тўда,
«Тарози» палласи истайди тенглик.

Хонамга кираман уйқу келмайди,
Ҳатто хотиним ҳам отмоқда хуррак.
Менинг бедорлигим ҳеч ким билмайди,
Бир ойданда бўлак, юлдуздан бўлак.

Ўғлим алаҳсирап недандир чўчиб,
Қизимни кўрпада қитиқлар тушлар.
Мен ўйғоқ ётибман ой нурин ичиб,
Бошимдан потирлаб учади ҳушлар,

Менинг бедорлигим ҳеч ким билмайди.
Бир ойданда бўлак, юлдуздан бўлак...

* * *

Нозбўйи гулларнинг ҳидларидан маст,
Юрибман саргашта хаёлинг билан.
Тераклар бўйимдан кўринади паст,
Тиллашиб бораман самолар билан.

Фақат тушинади дардимни сабо,
Турналар галаси берар тасалли
Мен битта ошиқман ишқа мубтало,
Муҳаббат майидан тўймадим ҳали.

Камалак ранглари ерга туташган,
Бир рошида Лайли, бир рошда Мажнун.
Бизлар ҳам дийдорга етмай адашга,
Бир ёғида сену бир ёғида мен.

ТУН ЭРТАГИ

Қушлар уйқудадир, гуллар ухлаган;
Бошин ерга қўйиб говмушлар мулгир.
Туннинг йиртиқ тўнин енгидан,
Кўршапалак чиқар бесабр.

Майсалар ухлайди замин кўксида,
Капалак ухлайди қаноти юмуқ.
Тунга исён тортиб ариқ лабида,
Номозшомгул ураётир дўқ.

Сукунатниинг ошиғи олчи —
Чирилдоқнинг овози тинган.
Ойга сингил номозшомгулнинг,
Лабларига шудринглар инган.

Тоғ ортидан қатим-қатим нур,
Қишлоқ бағрин мунаввар этар.
Тунга исён тортган баҳодир,
Саҳар палла уйқуга кетар...

ШЕЪР ТИНГЛАР ҚҮНГИЛ

ЭРГАШ АСАБОЕВ

ВАТАНИМ

Мустақил, ҳур Ўзбекистон ватаним,
Жаҳон узра донғи достон ватаним,
Мевазору бофу-бўстон ватаним,
Мустақил, ҳур Ўзбекистон ватаним.

Халқи улуг метин каби бирлашган,
Меҳнат билан ғалабага эришган,
Истиқлол йўлида олга юришган,
Мустақил, ҳур Ўзбекистон ватаним.

Олтинга бой турли туман конлари,
Халқнинг жони пахта, бутдой доиллари,
Тинчлик севган халқи меҳрибонлари,
Мустақил, ҳур Ўзбекистон ватаним.

Олтин, гавҳар ери ҳамда тупроғи,
Дардга даво мевазору чорбоги,
Ҳавоси яхшидур кўркамдур тоғи,
Мустақил, ҳур Ўзбекистон ватаним.

Соҳибқирон Амир Темур ватани,
Оламга тарапди довруғи, номи,
Сен ботирлар, фозилларнинг маскани
Мустақил, ҳур Ўзбекистон ватаним.

Фан әгаси олимлари баҳодир,
Ҳамма фанга етук ишлашга қодир,
Ватани севганлар ватанга ёрдир,
Мустақил, ҳур Ўзбекистон ватаним.

Халқи улуғ тараққиёт йўлида,
Истиқбол байроби зафар қўлида.
Санъати гуллаган соғу-сўлида,
Мустақил, ҳур Ўзбекистон ватаним.

Эргаш яшар Нуротанинг тоғида,
Терма ёзар Нуротанинг боғида.
Истиқлолни куйлар умри борича,
Мустақил, ҳур Ўзбекистон ватаним.

МУБОРАК

Мустақил давлатим кирди беш ёшга,
Тимсоли гўёки ўхшар қуёшга,
Тараққиёт билан етар минг ёшга,
Етмиш йиллик бардошингиз муборак!
Мустақил баҳт қуёшингиз муборак!
Тинчлик севган халқим тенгсиз баҳодир,
Ишбилармон ҳар бир ишларга қодир,
Темур каби юрагида ўти бор,
Донги кетган мард бошингиз муборак,
Мустақил баҳт қуёшингиз муборак!
Жаҳон билан ойдин ёруғ йўлингиз,
Ғам кўрмасин оғайнилар дилингиз,
Тинчлик бўлсин жоним Ватан элингиз,
Қувончдаги кўз ёшингиз муборак.
Эргаш озод мустақиллик замонда,
Тўқдан жойи Нурота тоғ томонда,
Сизлар билан кекса қалбим шодмонда,
Дерсиз: «Тўқсон ёшли бошингиз муборак».
Мустақил баҳт қуёшингиз муборак!

Одил ҲОТАМ

ТАШРИФ

Карманада Алишер Навоий
ҳайкали ўрнатилди

Қуҳак мавжларининг чорловига шай,
Сарин шамоялларга очиб кўксингиз,
Онасин бағрига қайтган фарзанддай,
Беш юз йиллик соғинч бўлиб келдингиз.

Сўз билан кўнгилдан буткул сургудай,
Хадемай ўн ёшга тўлар армонни —
Йўқлаб келдингизми жонин бергудай
Ҳиротда жон берган Шавкат Мардонни.,

Қылтириқ Фарҳодлар, камқон Шириналар
Кўзига тик боқинг, қизарманг устоз,
Сиз эмас, Доролар, маккор Хисравлар,
Ва бизлар қанчалик қизарсак ҳам оз...

Ўнгда эл-улус ёр, сўлда Зарафшон,
Боқийлик тимсоли бўлиб ўртада
Ҳаёт-мамот аро устивор имон —
Ўмидвор қарайсиз Шарққа — эртага...

Қуёшдек бугунги нур, шукуҳингиз
Эрк олган қалбларда порлаб яшайди;
Бу фоний дунёда боқий руҳингиз
Бир гўзал қисматга чорлаб яшайди.

ШОИР

Ўткинчи ҳаётнинг чистонларини,
Ечар битта нигоҳ, сингил кўз билан
Ҳарфи тарқатган буҳтонларини
Елларга совураг битта Сўз билан.

Битта қадам билан чорлагай йўлга
Тарихнинг тўхтаган карвонларини
Кейин самандардай айланар кулга
Ендириб дунёнинг армонларини...

ТИРИКЛИК ШАМИ

Мени ёқди озод бир куч,
Тўрт унсур пилигидан.
Голиб келиб йўқлиқдан уч,
Қўёшининг илигидан.

Одамзодни ҳоритаман —
Хур қонуним қуюни.
Қундуз кўнгил ёритаман,
Тунда эса уйини.

Бор-йўғи шу... Бор-йўғи шу...
Нурларимдан қониб сўр.
Сўзларимга ишонмасанг,
Кел, бағримда ёниб кўр...

* * *

Яшамоқ завқидан ҳорган бөгларнинг,
Шуурига сим-сим сингиган ранғлар
Сесканиб, қалтираб қарға, зогларнинг,
Оғир қанотидан мунгли жаранглар.

Толеъдай ганимат кундузни ҳўплаб,
Қуёш ҳам чўқади ҳоргин ва юпун.
Ойни тўсиб қўяр баргларни тўплаб,
Сен ёқсан оловдан ўрлаган тутун...

* * *

Оқшомдай қуюлиб келганда хаёл,
Мажнуннинг Лайлига олиб розини,
Шувоқлар исидан уйғонган шамол
Кирдан ҳайдаб кетар ит овозини...

Иигит юрагидай улкан харсангтош
Қиз кўзи — юлдуздан сўрар исмини.
Тубсиз жар ютай дер, тугайди бардош,
Борлиқ ой ҳукмига берган измини.

Ранглардан мусово, куйлардан даҳрий.
Аргумоқ ёллидан тўкилган малол,
Итлар билан қайтар тўкилиб, сахий
Шувоқлар исини соғинган шамол...

* * *

Келажак тонгларни әтади огоҳ
Кумуш сувлиқлардан сачраган кўпик.
Устма-уст қамчидан тўкилган ногоҳ
Юлдузлар дарёга кетади чўкиб.

...Арава изини ўлади ҳилол
Ҳонталаш майсалар тутади лабин
Ой куни етмасдан кўз ёрган аёл —
Бир дараҳт ичига ютади дардин.

Кўнгилнинг тутилган қуёшларидан
Тутунсиз куяди буткул хонумон.
Қирчангининг тўқсан кўз ёшларидан
Баҳорда лолалар ўнгай бегумон.

САФАР УМРЗОҚОВ

ЎЗБЕКИСТОНСАН

Шарқда машъал, ипак йўлли буюк Туронсан,
Юзлаб доно етиштирган мисли уммонсан,
Қодир Худо нурин тўйкан тенгсиз бўстонсан,
Таърифингга қалам ожиз битмас достонсан,
Азиз юртим, Сенга таъзим, гўзал маконсан,
Ўзига бек, ўзига хон — Ўзбекистонсан.

Икки кокил: Аму ва Сир чанқоғинг босар,
Не экилса тупроғингга қанд — асал битар.
Шарбатидан гар ичса ким, шифосин топар.
Ё лаззати бир умрга оғзида қолар,
Азиз юртим, Сенга таъзим, гўзал маконсан
Ўзига бек, ўзига хон — Ўзбекистонсан.

Дининг ислом, эътиқодинг музаффар ислом,
Ҳавас билан кўзин тиккан бу құхна олам,
Шуҳратингга тегмасин кўз, омон бўл мудом,
Мадҳингни куйлаб турай, тингласин жаҳон,
Азиз юртим, Сенга таъзим, гўзал маконсан,
Ўзига бек, ўзига хон — Ўзбекистонсан.

Туғинг узра жило бермиш юлдузлар, ҳилол
Тамғанг бўйлаб қанот ёзмиш Хумо қуш —
Иқбол.

Муборакдир, она ҳалқим, миллий истиқлол,
Бахтинг кўриб Соҳибқирон руҳи завқдан лол,
Азиз юртим, Сенга таъзим, гўзал маконсан,
Ўзига бек, ўзига хон — Ўзбекистонсан.

КОМИССИЯ КЕЛАР БЎЛСА...

(Вазифасидан шахсияти йўлида фойдаланадиган
текширувчи — комиссиялар ҳақида ҳажв)

Ўн кун олдин бўлар шов-шув,
Юракларга тушар гулу,
Югур-югур, ҳатто қув-қув,
Комиссия келар бўлса.

Ваҳм босар колективни,
Ҳамма ишлар боғлаб белни,
Супуришар катта йўлни,
Комиссия келар бўлса.

Сўзлашарлар пичирлашиб,
Ширии, сухан, «дил хушлашиб»,
«Тайёргарлик» кўришар шошиб,
Комиссия келар бўлса.

Текширишга келар етиб,
Барча ишни кўрар титиб,
Сира кулмай қовоқ уюб.
Комиссия келар бўлса.

Мезбон ўт ёқар ўчоққа.
Пичноқ тортилар улоққа,
Гўшт туралар қовурдоққа,
Комиссия келар бўлса.

Текширганлар «тили қисиқ»,
Мол сўйилди — томоқ илиқ,
Омонлашар иссиқ-иссиқ,
Комиссия кетар бўлса.

Хуллас калом, тинчиб қолар,
Асаблар ҳам бир дам олар,
Яна ишлар чала қолар,
Комиссия кетар бўлса.

СУРАИЁ ЗОҲИР

БИР МУҲАББАТ...

Бир буюк муҳаббат ярата олган
Дарёга хат ёздим: маҳрамим бўлгин
Асира тераклар туғиб беролган
Далага хат ёздим: ҳарамим бўлгин
Мусиқа яратган ишқий маҳомат
Юракка хат ёздим малҳамим бўлгин
Тоҳира кангулга назарим солдим
Қуёшмас, ҳилолмас, мубҳамим бўлгин
Бол тотли, хомушлик бера олмаган
Нафсимга зулм этдим: оромим егин
Минг йил тирикликда манзилот истаб
Жаннатий кунларга сайр этдим: Келгин.

* * *

Дунёда ҳеч нима сир эмас
Кимни унутасан, чўкаллаб тизза
Қўшиқдан улуғман, вайс бўлдим
Гуноҳлар покиза, айблар покиза

Дастхат келди юрак бағримга
Химоятсиз ишқнинг қони-ла
Уқубат сотилган кечаларимдан
Оройиш ўрнига, осойиш тилха
Бир ҳовуч тасалли қайтаринг
Яшашга иштиёқ кечиккан
Кўнглум — энг арзанда ўғлим
Ғариб хотирамда ичиккан
Никоҳсиз яшашнинг лаззати
Рутубат аҳлига ноаён
Намоз қурбонлик — дил чегараси
Ибодатга қўшилган баён
Иймонни хўрлама тилсизлик
Рост йўлга вужуд бер силсила
Соф туғилмоқ юрти осимон
Дилкукун ҳомила.

ДИЛИМ-ДИЛ...

Гулларнинг қаери азобдан,
Оғриса оғриғи ифодир.
Капалак гулдаста кўтарса,
Бу оддий далавий изҳордир.
Тилимни чақтирсан илонга
Яшаса мана шу мастиликда.
Ўлимнинг ҳуқуқи чөксизлик,
Ватани ўзига хосликда.
Имтиҳон мезони қисқариб,
Дилим-дил. Дил билан диллашса.
Яримта савобга гувоҳ-чун
Мени ҳам ростликка йўллашса.

МЕН АХИР

У гулнинг тўйига тоғ келди
Дарахтин опичлаб бօғ келди.
Телбароқ шоиру, соғ келди
Мен номаҳр.
Харсангтош унланди тупроққа
Тепалик қиз берди узоққа
Яхши гап бўлмади қулоққа
Фийбатий баҳр...

Анҳорнинг келинлик рўмоли
Тулгоқли азобда чумоли.
Қир дала — дастурхон, дуоли...
Хўп чақир...
Ям-яшил ойликка жавобгар
Янтоқзор, майсада савоб бор.
Чиллага солинди бир баҳор
Мен ахир...

ЕЛҒИЗЛИК

Бир мағрур қизманки ҳатто,
Айтгим келмайди исмимни.
Ўзим юксак чўққида туриб
Оловга ёқаман шеъримни.
Гоҳо мийигимда, гоҳо ҳайқириб,
Кимнидир устидан куламан.
Қанчалик мағрур бўлмайин тунда
Тўрт деворга таслим бўламан...

ЕТТИНЧИ ФЕВРАЛ

Ҳувиллаб қолганди жийдазор,
Тонгда зангор туман йиглади.
Атиги бир кун димогни,
Жағ-жағ ҳиди қитиғлади.
Мен совуқдан нафратланаман,
Мусича ҳам айтдиёв буни,
Осмон яқин ерни қучгудек,
Баҳорга ўхшади қишининг бир куни.

ЕМФИР

Яланғоч теракнинг бадани
Жунжикиб кетади томчидан
Кечанинг ранглари нофармон
Деразамдан оқсан қон-чи, нам.
Ғамдан ҳам, намдан ҳам намлироқ
Сен мени йиглатдинг кимимсан.
Тупроққа изҳорим кўмилган
Тушундим, иккинчи исмимсан...

ХОЛБУВИ ТУРДИЕВА

ДУНЁЛАРГА ИСЁН БҮЛ, ДИЛИМ

Мардлар номардларга әгилган кунда,
Тиллар ҳақиқатдан тийилган кунда,
Эл-улуснинг ризқи қийилган кунда,
Дилим, дунёларга исён бўл ўзинг!

Эркаклар аёлни гийбат қилсалар,
Кимлардир ошиқлик — эрмак билсалар,
Қўрқмасдан етимнинг ҳаққин шилсалар,
Дилим, дунёларга исён бўл ўзинг!

Пок деб билганларинг устингдан кулса,
Ишонган йўлдошинг бағрингни тилса,
Охири сабрнинг косаси тўлса,
Дилим, дунёларга исён бўл ўзинг!

* * *

— Гапир!?

Мен телбадан сўз талаб қилдинг,

— Гапир!

Илтижога айланди талаб.

Сен учун ҳеч бир сўз топа олмадим,

Юракнинг қатини минг бор титкилаб.

Дил — ҳакам, ҳукмида бахтми ё армон,
Сўрама, айтмайман сенга уни ҳеч,

Асли биз жимликка маҳкум икки жон

«Гапир!» деб эланмоқ энди жуда кеч.

* * *

Осмондан ложувард дурлар ёғилар,

Тунда ҳам шамсдан нурлар ёғилар.

Ёсуман ҳам ҳатто уялиб қолар—

СЕВСАНГИЗ.

Илоннинг тилида заҳармас, асал,

Тўти булбул мисол кўйлагай газал,

Ой кумуш либосни ёпинган машъал .

СЕВСАНГИЗ.

МЕНИНГ ЁЗИЛМАГАН...

Балки дўст дардига малҳам бўларди,

Балки душманимга алам бўларди,

Ё қувонч бўларди, ё ғам бўларди,

Менинг ёзилмаган энг яхши шеърим.

Балки бахтим эди, иқболим эди,
Хеч тан олинмаган иқрорим эди,
Авайлаб асраган асрорим эди,
Менинг ёзилмаган энг яхши шеърим.

Савобим эдими, гуноҳим эди,
Хайратим эдими, ё оҳим эди,
Телба юрагимга паноҳим эди,
Менинг ёзилмаган энг яхши шеърим

Ё андиша эди, ё кўнгил дарди,
Ё сизга ёқарди, ё дил ёқарди,
На бўлса-да у деб кўзим оқарди,
Менинг ёзилмаган энг яхши шеърим,
Менинг ёзолмаган энг яхши шеърим

ЁМГИР

1

Ёмғир далаларнинг губорин ювди,
Қуёпига бўсалар тутар табиат.
Бунчалар мафтункор дунё худуди,
Бунчалар ширинсан, Муҳаббат!

Дилимнинг қатлари гулларга тўлди,
Юрагим бир ажиб ҳисларга хилқат.
Мен энди ҳаётнинг таъмини тўйдим
Унинг исми-жисми — Муҳаббат!

2

Ёмғир узоқ ёғди, дилимни эзди.
Ўзига тушунмай табиат караҳт.
Борлиқ мотам тутар, оҳ бирор ўлди.
Марҳумнинг қотили — Муҳаббат!

Руҳим чорбоғида изғиди кузак,
Кўнглим қўргонига етди қиёмат.
Уқбодан ўзимга изладим маскан,
Яшамоқнинг исми — Хиёнат!

ОТАМГА

Вояга етибди ўртандча ўғил,
Уйли қилиб юртга тўй бериш керак.
Нарх-наво осмонга сапчир кун сайин,
Ҳали каттасига уй қуриш керак.

Дарвоқе, кенжә қыз ўғиллик бўлган
Бешик обормаса уят бўларов.

Чеки йўқ ўйларни санайверсангиз,
Уларнинг ҳар бирин сочдаги қиров.

Ҳар саҳар унугиб дардни, оғриқни,
Яйдоқ дала сари йўл олар пайтлар.
Тобора кичрайган гавдани кўриб,
Кўзимга ёш келса, қўйилса байтлар.

Ёдимга тушади кўшнининг гапи:
«Отангни шеър қилиб элга танит-да».
Ахир менинг отам шеърдан буюқдир,
Ахир менинг отам дунёда битта!

ҚИЛИЧ ТЕМИРОВ

АЙЛАР БИЛИМ

Ким анга ихлос қўяр, ақли расо айлар билим,
Норасоларни мудом бекам расо айлар билим.
Бори мушкулни очиб йўлларни айлайди равон,
Харна яхшики умид бор дилга жо айлар билим.
Кимни дард ё можаро жабри ила қадди дуто,
Қутқориб, комрон этиб ўзин асо айлар билим.
Ким агар заҳмат чекиб сиррига бўлди ошино,
Дунёда шодмон этиб ҳожат рано айлар билим.
Миллатим шонини олам ичра айлаб устивор,
Құдратин тоғдек, ишини жо-бажо айлар билим,
Эй Темур ҳеч тўхтамай айла билим сори жадал,
Бебаҳо нури имонга ошино айлар билим.

УЙГОНМАДИНГ

Эй кўнгил, қиши ҳам ўтиб, келди баҳор,
уйғонмадинг,
Дашту-саҳро ҳамма бўлди лолазор,
уйғонмадинг.

Ҳам ўтиб айёми гул, ҳам келди тобистон буқун,
Чор тараф яшнаб етилди мевазор,
уйғонмадинг.

Ез ўтиб келганда куз сенга насими етмади,
Кўз очиш мушкул бўлиб келди малол
уйғонмадинг.
Ғафлат уйқуси босиб, этмушмиди поймол сени,
Ўтди бори фасли бир-бир, гунгу-лол
уйғонмадинг.

СУМАЛАКЖОН (халқ оқангларыда)

Сумалак сузуккинам,
Құлымда узуккинам,
Сумалакни пиширган,
Сиздан ҳам нозиккинам,
Сумалакни пиширган-е,
Сиздан ҳам нозиккинам.

Ховлима-ҳовли жам бўлиб,
Сумалакни сузайлик.
О, ҳовлима-ҳовли жам бўлиб-е,
Сумалакни сузайлик.

Сумалакжон, сумалак,
Сени деб жоним ҳалак.
Сенга хумор бўлибди,
Шу ой юзли келинчак.
О, сенга хумор бўлибди-е,
Шу ой юзли келинчак.

Ховлима-ҳовли жам бўлиб,
Сумалакни сузайлик.
О, ҳовлима-ҳовли жам бўлиб-е,
Сумалакни сузайлик.

Оҳ, сумалакжон, сумалаж,
Рангинг мисоли камалак,
Бунча шириң-шакарсан,
Онанг буғдой эмасми?
О, бунча шириң-шакарсан,
Онанг буғдой эмасми?

Ховлима-ҳовли жам бўлиб,
Сумалакни сузайлик.
О, ҳовлима-ҳовли жам бўлиб-е,
Сумалакни сузайлик,
Сумалакни сузайлик.

БАХТИЁР ЯХШИЕВ

МИР АЛИШЕР НАВОИИ ҲАҚИДА БИТИКЛАР

Нурдан қалам йўниб зулмат қаърига,
Орзу армонларин байтларга тизди.
Эзгулик меҳварин инсон қалбига,
Ватаннинг аксини қуёшга чизди.

...Мисралар мўъжиза — кўрсатар кучин,
Офтоб висолидан сув ичар юрак.
Оддий инсонликни оқламоқ учун
Буюк Навоийни англамоқ көрак.

* * *

Бу шундай бир боғки беқиёс тимсол,
Балки Каъбада ҳам ўхшаши йўқдир.
Бунда армон гулин ёноғи ҳам ол,
Оlamдан умиди сўнмаган шўхдир.

Бу боғнинг кўксидаги имон бир дараҳт,
Осмонни қучоқлаб мағрур турибди.
«Лисон ут — тайр» да инсоний бир баҳт
Салкам олти аср Қайсек юрибди.

МУТОЛАА

Ҳа, бунда қон бўлиб жўш урган севги,
Забардаст қўлида оламни қучиб,
Асрлар қаъридан ташлайди одим.
Ҳа, бунда инсон деб юргурган туйғу.

Сарҳадли кенглиқда эрк дея учиб,
Замонлар қаъридан ингранар сим-сим.
Кўксидаги тифи әгилган ҳилол,
Бетайин давронда йўқолган тенглик,

Бунда адватдан келтирмайди ром,
Девори дарз кетган Хуросон мисол,
Босқинчи зулмидин титилған кенглик,
Буюк Навоийдан топади ором.

Ҳа, бунда башарий маънода қадр,
Бир замон топмадим дея эзилиб,
Ҳамонки, хун бўлиб унсиз бўзлайди.
Уламо форсанги, фозиллар сагир, —

Кун кўрмас қаҳрабо каби тизилиб,
Келмаган кун учун недир излайди.
Мерос она Ҳирот, гариб Ҳурсон,
Мана юртин сотган султон, беклари,

Амал талашишиб муртин товлади.
Юрг неча таланди, куйди хонумон,
Ҳар гал омон қолган амал кеклари,
Ҳасаддан бир-бирин ҳамон овлайди.

МУТОЛААДАН СҮНГ

Ха, бу тасаввурга сифмаган сиймо
Илоҳий куч балки самовий илм.
Эй, дунё бешигин титратган наво,
Навоий фарзанди — онажон тилим.

Бунда сўз жилvasи шабнамга мисол,
Биллур зарралардай кўзга сачрайди.
Камалак имло бу товусий тимсол,
Наво илми десам кўнглим яйрайди.

Байтларда эврилган марварид шода,
Балки юлдузлар ҳам шеърга қўнгандир.
Етти бурж самодан — шу қуёш сиймо,
Балки наво бўлиб қалам йўнгандир.

Эй, наво Султони! Эй, толеи ҳур.
Сизни яратмаган қонталаш ҳаёт.
Шеър эмас эзгулик оқаётган нур
Бу фақат худойим касб этган ижод.

ҚУДРАТ МЕНГЛИ

ТУГИЛДИ ЯНА...

«Сенинг учун тирилдим, Ватан!..»
Фитрат.

У қаро тун — зулматлар сўнди,
Ёлғон кунлар ростига дўнди,
Хумо қуши бошингга қўнди,
Файзуллалар туғилди яна.

Хароб эди, аҳволинг забун,
«Ўтгаи кунлар»ингдан бир тугун,
Зулматларни тарк этиб бугун,
Абдуллалар туғилди яна.

Кече шомли кунингда бўлган,
Юраклари зардобга тўлган,
Кундузингта етолмай сўлган,
Чўлпонларинг туғилди яна.

Шоирларинг топмади қадр,
Ватан дея қўтариб садр,
Ўз юртига сиғмаган қабр,
Усмонларинг туғилди яна.

Ўтмишингдан ҳикоя айтса,
Шаънинг ёқлаб ҳар битта байтда,
Энди эса ўлмайди, қайта,
Фитратларинг туғилди яна.

Аждодларим руҳи шод бўлсин,
Мустақиллик умрбод бўлсин,
Турон замин бир обод бўлсин
Қудратларинг туғилди, ВАТАН!..

ИЗТИРОБ

Нетай сизни севиб қолдим бойнинг қизи,
Юлдузлари ярақлаган ойнинг қизи,
Кўнгил бердик, кулмаса ҳам иқболимиз,
Сирларимни олиб кетганд сойнинг қизи.

Юрагимни элаверар нигоҳингиз,
Қиё боқса куйдирувчи қарогингиз,
Қийноқларга раво кўриб бу жонимни
Кетаверди, не эканки гуноҳимиз?

Гуноҳим севдим десам Сизгинага?
Кулгичлари ўлдиргувчи қизгинага.
Афсунларга нишон бўлди дилим зори,
Бир чора йўқ, «ҳижрон» деган сўзгинага.

Саҳроларга топшираман товонимни,
Самум шамол совурсинлар хазонимни,
«Оҳ»лар уриб қолавердик, ортингиздан,
Куйлаб ўтай, майли ишқнинг армонини.

Нетай сизни севар әдим бойнинг қизи,
Энди қайда манзилингиз ойнинг қизи.
Афсус, насиб қилмади-ку осмонингиз,
Эслаб туринг, биздек хоки-пойингизни.

ИЛТИЖО

Қүшлар —
Мени олиб кетинг бу ердая,
Энди ортиқ бўлмайди яшаб.
Таъқиб этар ортимдан кўзлар,
Қадамимга сиртмоқлар тўшаб.

Кунларимнинг пойида улар,
Севинчларим бошида хода.
Афсунлари бағримни тилар,
Умидларим бўлмоқда адо.
Қайга боқмай кўрдим бир ситам.

Умр ўтар ғамларга куйиб,
Дардларимга тополмай малҳам,
Ҳатто йиглай олмадим тўйиб.
Дўстман, дея қўлимни тутган.
Ҳар нокасга очдим дилимни,

Садоқатни топмадим кутган.
Вафоси йўқ, суйган гулумни.
Одамларга ишонмай қўйдим.
Кўзларимда йиглайди бардош.
Илонларнинг заҳридан тўйдим,

Чаёнларга вужудим талош.
Дилсизлардан безди бу юрак
Сигмай қолди кўксимга ногоҳ,
Суянчим йўқ, ўзингдан бўлак,
Паноҳингга ол, энди Оллоҳ.

МУҲАЙЁ ҚИЛИЧЕВА

БИЛДИРИШ

Мен сиздан тортинсан, тортиб олсалар,
Елкамга юкини ортиб олсалар,
Ишқнинг ҳар томчисин артиб олсалар,
Иўқ, сиздан кетсанда тортинмай кетай,
Бефайз аравага ортинмай кетай.

Лутфдан кўзини юмишса агар,
Хиёнат уйига чўмишса агар,
Юракни макрга кўмишса агар,
Иўқ, сиздан кетсанда, тортинмай кетай,
Гардун нафасига артинмай кетай.

Васл күчасида қабартса күзни,
Харамга қамаса муборак сүзни,
Жөнхүр ҳижобларга ўраса ўзни
Йўқ, сиздан кетсамда, тортинмай кетай,
Бир дам ҳам ўлтирумай, ҳеч тинмай кетай.

Ютоқиб ҳийлани босса бағрига,
Лабни чўмилтирса чаён заҳрига
Агар кета олсан вафо шаҳрига
Йўқ, сиздан кетсамда, тортинмай кетай,
Ҳаром кўланкага туртинмай кетай.

Муҳаббат сувини қумга бўшатса,
Майсанинг устига жулдур тўшатса,
Севгининг нонини ҳиссиз ушатса,
Йўқ, сиздан кетсамда тортинмай кетай,
Жоду сиёҳига суртинмай кетай.

Булбуллар қўшигин айтиб толсалар,
Меҳрнинг пойига тузоқ солсалар,
Мен сиздан тортисам тортиб олсалар
Йўқ, сиздан кетсамда тортинмай кетай,
Бир дам сизни суйиб, сўнг тинмай кетай.

КЕЛМАДИНГИЗ...

Интиқ бўлиб йўлингизга
Кўзни тикдим келмадингиз,
Сабот деган саҳроларда
Танҳо нездим билмадингиз,
Ёки билиб, ёки билмай
Ё назарга илмадингиз
Чаман эмас, чўлингизга
Ўзим тикдим билмадингиз.

Кела-кела газабларни
Ўлдириблар келибман-эй,
Париларни қувонтириб
Кулдириблар келибман-эй,
Дунёи дун, телба гардун,
Тоза осмон кўксида
Ҳеч тўлмаган кўнглингизни
Тўлдириблар келибман-эй.

Кута кута кўздан қолиб,
Кўр кўзларни ёшлаб кетдим,

Сизнинг фараҳ қалбингизга
Надоматни ташлаб кетдим,
Ўзим каби бедор юрган
Софинчимни бошлаб кетдим,
Афсус, афсус минг бор афсус
Сиз буларни билмадингиз,

Келмадингиз...

ЯХШИЯМ БОР ЎША БАРДОШ ДЕГАНИ...

Этни тирноқлардан ажратадилар,
Бир жонни минг жойга сачратадилар.
~~Лекин~~ бечоралар не ишни қилсин,
Ҳар жойда бардошни учратадилар.
Яхшиям бор ўша бардош дегани,
Баъзида нен бўлмас тўйиб егани.
Баъзида кийим йўқ, кўнглинг тусаган,
Баъзида фурсат йўқ борни кийгани.
Баъзида дунёдан тўйиб кетасан,
Ғаму аламлардан йиглаб ўтасан.
Бахтинг келаётир, ишон десалар,
Қўзингда ёш қалқиб бахтинг кутасан...
Яхшиям бор ўша бардош дегани...

ДИЛРАБО ИСКАНДАРОВА

ЗАЙНАБ НОЛАСИ

(«Ўтган кунлар» ни ўқиб...)

Илтифотлар кутиб ўртанса юрак,
Сабрга айланса, энг эзгу тилак,
Ёнингизда турса сиз севган малак,
Мен кимга ишониб яшайман, бегим?

Тақдир савдосида ҳали ёш эдим,
Кумушсиз дунёни баҳтиёр дедим,
Адамли тунларнинг ошини едим
Мен кимга ишониб яшайман, бегим?

Ишонинг кўчалари келганида тор,
Қучоқларин очди ҳижронли диёр,
Олисларда қолди севикили рухсор,
Мен кимга ишониб яшайман, бегим?

* * *

Кимгадир шивирлар ажиб сокин тун:
Поёңсиз дардларим ювмоқда ёмғир.
Юрак ришталарим узилиб бутун,
Сабрга чўмилар қалбимдаги сир...
Ғойибдан табиат эттандек инъом
Борлиқ таровати ўзгача бу чоқ.
Кечадан олислаб оқшомги ором
Самога гул чизар момақалдироқ.
Ёмғир шитирлайди тинмайди сира,
Роҳатла ювиниб олар ҳар дараҳт.
Кейин тонг отади, масъум бокира,
Тонг билан эргашиб келаётир баҳт.

МЕН БИР ГУЛ БҮЛМАДИМ

Мен бир гул бўлмадим — ғунчалари ол,
Кўнгил кўчангизни чаман этгали.
Титроқ баргларимни ўйнаса шамол,
Сизнинг қалбингизни паноҳ тутгали.
Мен бир йўл бўлмадим, мунис волидам,
Йўлки, ёнверидан Сизни кўрсам, бас.
Майли тикан узра сўқмоқ бўлса ҳам,
Бориб қаршингизда олсан бир нафас.
Мен бир эл бўлмадим — мағрур ва ғолиб,
Нигоҳингиз билан ўтларда ёнган.
Кимсасиз чўлларда адашиб қолиб,
Гўё беюрт таним ўзимдан тонган.
Мен бир дил бўлмадим — нурга чўмилиб,
Ёмғирда ювилиб, мунғайди бағир.
Тугунли ришталар СўЗГА кўмилиб,
БАРДОШ тилаётган мен ёзмаган шеър...

* * *

Соат миллиридай чопқиллайди вақт,
Умр дафтарини варақлайди шам.
Тонгнинг иқболини кўрмоқ бўлар тахт
Эртанги режадан кўнгил очиб ром.
Сиз босган изларга етиб боргудай
Саргардон кўчалар ўтиб борар шаҳд.
Софинч ришталарин етиб ёргудай.
Армонсиз йўлларга етаклайди аҳд.
...сершовқин шаҳардан кетмоқчун бир кун
Ҳаёт ирмогига боқарман илҳак.
Кимнидир излайман, топмайман лекин,
Барибир умидвор уради юрак.

Сезаман, гиналаб ва бешак шунда,
Орзиқкан нигоҳлар беҳол толганин,
Паришон асога суюниб бунда —
Менинг отажоним қариб қолганин.

* * *

Бардошларга мени алмашди, тақдир
Тунлари хаёлинг ортидан қувдим.
Сочларимни ўрди сен айтмаган сир,
Ашким теграсида юзимни ювдим.
Беҳаловат сабрим алданар яна,
Нарпай кўчасида имиллайди куз.
Сукунатни бузар юрак тўлғона
Бепарво ишқингдан мўлтирас кўз.
Не тонгки, яшайман сўзни соғиниб,
Иқболимга шундан йўқ ўзга талаб.
Кимдир шеърим ўқиб кетса энтикиб,
Олисларда қолган севгисин қўймасаб.

ДОСТОН МАВЛОНОВ

Қўшиқ

Қўшиқ тугар.
Тамом.
Тугайди бардош,
Сўқир юракларни титратар наъра.
Ошиқлар ҳайратда,
Кўзларида ёш —
Синдириб ташлайми сени, гитара?!

Юрак —
Қафасдаги маъсум қушим,
Сенга боқяпти миллион кўзлар.
Куйла,
Галаён қил —
Йўқотай ҳушим,
Саҳна ютоққан кез чақнасин сўзлар.

Саҳна —
Миллион кўзлари бор Ватаним,
Вужудим қўшиққа борар айланиб.
Ким уни севмаса, ўша ғанимим,
Турибман курашга доим шайланиб...

ФАЛСАФА

Мен хато қилибман юлдузли осмон
Йўқотмайди, дея кўркин хеч қачон.

Зоғларга ишониб булбулни сўқдим,
Мен нодон тўтига дардимни тўқдим.

Япроқ саргайишин қисмат дедим мен,
Душманим дўст дея ғамин едим мен.

Юксак қояларга чирмашди хаёл,
Ҳасад турар эди аммо пастда лол.

Кимнингдир ногаҳон қонаса бурни
Битиб кетар дедим жароҳат ўрни.

Неча бор эврилди ахир даҳри дун,
Қандай ранглар унда жилвагар бугун?

Ҳасад, кин, адоват шунчалар боқий,
Ғам йўқ деб сен мени қийнайсан, соқий!

Балки бахтлилардан йўқ менинг камим,
Балки бахтлидирман бор учун ғамим.

Сокин бўла олса қалбим тугёндан
Кечиб кетар эдим турфа жаҳондан.

БОБОДЕХҚОН

Ҳавода муаллақ қолгани замон,
Ерни қўмсаб қолар ҳар битта жонзот.
Қанчалар йироқлаб кетса ҳам осмон
Ерга боғланмишдир асли одамзод.

Ғўза-орзусидан туғилган қўш байт,
Баъзида дард билан ёзди сўзларин.
Обрў, шараф дея пойламади пайт,
Кузакнинг ҳукмига топширди барин.

Қуёш пешвоз чиқар унинг қошига,
Кетмон бир донишманд чол каби дилдош.
Еллар ҳол сўрашиб келар бошига,
Уватлар сирдоши, офтоб елкадош.

Оқ ҳарир рўмоллик дилбар келинчак —
Ризқу насибага чулғангани бой юрт.
Чаноқлар огуши кутлуғ беланчак,
Бағри хазинадан тўлғангани бой юрт.

Орзуси офтобда пишди-ку ахир,
Деҳқон тавоғ қилган табаррук ер бу.
Суюнса, қувонса, ҳайқирса арзир,
Манглайидан ҳалол тўкилган тер бу!

АҲМАД ОЧИЛОВ

ҚҮГИРЧОҒИМ

Боғчам қўчоги ям-яшил баҳор,
Шарқираб оқар ёнидан анҳор.
Унда кутар мени кичик думбогим.
Кўзи мунчоқдай — жоң қўғирчорим.

Гуллар терамиз, боғда қилиб сайд,
Терган гулимни ушлаб юр дейман.
Дам ол думбогим, эртагача хайд,
Яхши туш кўриб, ухлаб тур дейман.

ЧУПОН БОЛА

Ўтов узра кўкка ўралиб,
Инар зулмат тўшига тутун.
Само қизи ой ҳам мўралаб
Кулиб — боқар ёришади тун.

Гулхан ёнар куйлаб, тўлғониб
Яйлов тўлиб рақс тушиб ётар.
Чўпон бола тоғлардай ёниб,
Кўзларида маъсум тонг отар.

НОН

Сўйлай сенга, эй инсон,
Сўзларимга қулоқ сол.
Сенга менман жон, дармон,
Пешонамдан ўпиг ол.

Лўппи ширмой нонингман,
Куйлар мен билан созинг.
Чопиб юрган жонингман,
Янграп қувнаб овозинг.

Эслатмай шўра нонни,
Тавоб қилиб кўзга сурт.
Отма нону имонни,
Мен билан фаравон юрт.

РАҲИМ
ҚОДИРОВ



ТУЙҒУЛАР

Раҳим Қодиров Нуротада туғилган. Асл қасби — журналист. 1976 йилда Тошкент Давлат дорилфунунини битирган. Унинг тарих, санъат, адабиётшунослик, халқ оғзаки ижодиётига оид юздан зиёд бадиа, илмий оммабоп мақолалари республика мәтбуотларида чоп этилган. «Қаҳрамон изларини излаб», «Ўзлари ким?» каби асарлар муаллифидир.

У Нурота достончилик мактаби ва бахши шоирлари ҳақидағи туркум илмий очерк, бадиалари учун Ўзбекистон журналистлар уюшмаси мукофотининг совриндори бўлган.

РАНГ-БАРАНГ ҚАИДЛАР

Ватан — буюк шахслардан улуг ва устундир.

* * *

Буюк сиймолар қалбидә үз Ватанига муҳаббати кучли ва жүшқин бўлади. Улар ана шу туйгуларини ўзгалар юрагига тез ва ҳаяжонли руҳда етказувчи олижаноб кишилар ҳамдир.

* * *

Ватан учун фидойилик — олийжаноблик эмас, фарзандлик бурчи.

* * *

Яшаш учун курашиш қанчалик зарур бўлганидек, курашмоқ учун яшашни ҳам шунчалик билишни унутмаслик керак.

* * *

Ҳаётга муҳаббат қўйиш — кишининг иродалилигини кўрсатади.

* * *

Ҳаёт сўзи азалдан қолган, лекин доимо янги ва ҳар бир киши тушунчасидаги сўз.

* * *

Ҳаётни севиш — ажиб туйғу ва буюк мақсаддир.

* * *

Одамлар гулнинг нозик ё мўрт, ёки умри қисқалигига қизиқмайди, балки нафис, чиройли кўриниши ва муаттар ҳидлари учун севишади.

Инсон умри ҳам шунга ўхшайди: табиатан қудратли мавжудодлар олдида мўрт, жисман нозик: боқий ҳаётда калта умр кўради. Лекин унинг ақлу ҳунари ҳам ўзига, ҳам дунёга чирой бағишилади.

* * *

Одам ҳаётда судралмай, тик, айниқса, бирор олдида әгилмасдан яшамоги зарур. Буни Оллоҳ яратган гавдамиз кўрсатиб турибди: эгри ё бугри бўлмай, адл, чиройли қомат соҳибимиз!

Инсон меҳри мисоли бир чашма. Уни қониб-қониб ичадилар.

Инсон вужудидаги энг ёмон иллат — қўрқув. У шундай даҳшатли ва жирканчки, баъзан яхши кишилар руҳиятни ҳам ўзгартиб, энг қалтис — ёмон ишларга, ҳатто жиноятларга ҳам етаклайди. Тўгрини — ўғрига, покни — нопокка, инсофлини — диёнатсизга, ботирни — хоинга, номуслини — беномусга... айлантиради.

Тушкунликка берилиш — киши ўз ақли ва вужуди билан ўзидағи инсоний эркини буғиши, хўрлашидан бошқа нарса эмас.

Гўзал ҳусн кўзларни ўйнатса.
Гўзал хулқ қалбларни яиратади.

Кўп ухлашдан қўрқинглар, одамлар!

Ўз-ўзидан уйғониб кетганлар нималарга қодирлигини билишади. Уйғотганларимиз-чи?..
«Нега уйғотдинглар?..» — дея тўрт томонга жар солишмоқда.

Инсон қалбини яхши китобга ўхшатгим келади. Китоб саҳифаларини очиб, ўқиган сайн қанчалик маънавият олсан, одамлар ҳам бир-бирларининг, қалбига етишганда яхшироқ тушунишади.

Нафс — ёмонлик учун катта йўл.

Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ўз қўлимизда. Баъзан уларни эплаёлмай оворамиз, холос.

Бир яхши иш бошландими, тугалланиши ҳам яхшилик бўлади; ахир кўзгуда бор нарсанинг акси кўринади-да.

Бош оғриқ неча хил, билмайману, лекин бирор қўзғаган бош оғриқ энг оғир дарддир.

* * *

Одамлар борки, бир-бирларидан яхшилик ўрганишади.

Одамлар борки, бир-бирларини «ковлашади».
Бу — ҳаммага маълум.

Аммо билатуриб, яна такрор қилишим: одамларни огоҳ ва ҳушёр этмоқ!

* * *

Бошқа касб кишиларидан кўра энг тоза, энг пок, энг виждонли қалб шифокорда бўлиши керак. Шундай қалб соҳибиғина әлни, одамларни севади.

Гўдак иулгисига ҳавасим келади...

Қани эди гўдаклардай бегубор кула олсан!

* * *

Энг тўғри ва қудратли гап — адолатли гап.

* * *

Нишонга етадиган гап замирида ҳамиша ҳақиқат ва мақсад бўлади.

Иродиа — билимларнинг ота-онасиdir.

* * *

Киши иродаси амалда қилган иши билан баҳоланади.

* * *

Баъзан, билимдон кишилар кам, деймиз. Аслида билимдонлардан кўра иродали кишилар камчиликни ташкил этади. Билими ошиб ётса-ю, бир нарса яратишга ўзида ирова тополмаган билимдоннинг кимга нафи бор?!

* * *

Ким яхши бир нарса яратибдими, унинг ирова ва билимига балли!

* * *

Билимли киши кўнглида баҳиллик ҳисси уйғондими, демак, ундаги бор билим кераксиз бўлиб, билимдонни ҳалокатга олиб боради.

* * *

Ўздаги соғлом фазилатларнинг дардга чалин-маслигида ирова қувватидан тўғри фойдалана билиш керак.

* * *

Бола тарбиясида калтак ҳақиқий «тарбиячи» бўлолмаган.

Хар нарсанинг ўрни бор. Калтак ҳайвонга керак экан, айримлар нимагадир одамга ҳам ишлатишиди.

Хамма иш тугалланишига қараб баҳоланади.

Қашшоқлик — ботқоқликка ўхшайди; домига тушган кишини ўзига тортаверади.

Баҳона изламаслик адолат учун қатый курашиши билдиради.

Ишонч — ўзаро самимиятдан вужудга келади.

Биламиз: ҳеч нарса осонликча қўлга киритilmайди.

Биламизу, яна меҳнат қилишни унутамиз.

Агар зўр бўлсангиз, ўзингиздаги ҳасад, хусумат, умуман, ёмон хислатлардан кўнглингизни тозаланг. Шундай тозалангки, чанг-ғуборлари ҳам қолмасин.

Бирор яратган гўзал нарсага ҳавас ва ҳайрат билан қарашни билиш керак. Шу билан сиз кўнглингизда ҳасад ҳисларига йўл бермаган бўласиз.

Адолатли баҳс, мунозара — ҳар қандай қуродан кучли.

Фойдасиз нарсалар ҳақида ўйлаш — умрни ўғирлаш ва асабни кемиришдан бошқа нарса эмас.

Олижанобликни ҳис қилмаган кишидан саховат кутиш — ёзда қор ёғишидан умид қилиш билан баробардир.

Донолар, меҳнатни — умр тарозисининг тоши, деганлар.

* * *

Халқ фикри энг ҳаққоний ва адолатли ҳақиқат-
дир. Шунинг учун халқ ҳамманинг устидан фикр
юритади ва баҳо беради.

* * *

Денгиз ва дарёларнинг жўшқин, тошқинлигига
қараб, халқ ўзини қудратли денгиз ва азим дарёга
ўхшатган.

Демак, инсон руҳидаги жўшқинлик ва тошқин-
ликда ҳикмат кўп!

* * *

Суҳбатнинг кўп ажойиб ҳосиятлари бор. Бири
дўстлар дийдорлашивудир.

* * *

Қарама-қарши, зид бўлган фикрлар ўзаро баҳс-
лар давомида эзгулик мақсадида бирлаша олса,
улар қудратли кучга айланади.

* * *

Баҳс — бу маданият. Ундаги суҳбат, муноза-
ралар кишилар маданияти даражасини белгилайди.

* * *

Такаббурлик ва димоғдорлик кузда дилдираб
турган хазин япроқларга ўхшайди.

* * *

Бузуқ хаёл ва фосиқ фикрлар манзили аниқ
тубанлик!

* * *

Меҳнат билан ўзлигини унугланлар чинакам
ҳаёт завқи ва лаззатидан баҳрамани бўлишади.

* * *

Асоссиз ва мақсадсиз гапни эшитмаса ҳам бў-
лади.

* * *

Шубҳа ва номаълум; аниқ ва маълум ораси-
даги фарқлар еру осмонча. Улар шунчалик фарқ-
ланиб турсада, аммо кўп ҳолларда ҳар бирини ўз
ўрнига қўйганда, шубҳани аниққа, номаълумни
маълумга қўшиш билан сарсон-саргардон бўла-
миз.

* * *

Рост ёлғон билан курашаётганда, ҳақиқат
доирасидан четга чиқмайди.

* * *

Ёруғлик нурлари тонгни уйғотади.

* * *

Санъат — бу ҳаёт. Фақатгина юксак истеъдодлар томонидан яратилган нуфузли ҳаёт. Ва гүзәл андоза олган шу ҳаёттинг ҳаққонийлигини күрсатиш учун одамлар қалбларида акс-садо уйғотади.

* * *

Ижодкорлик даҳоси ҳар кимга ҳам насиб бўла-вермайди. У бир нарса яратиш учун чексизлик даргоҳига етиб, ўзликни барҳаёт қолдириш истагида ёнаётган истеъдод эгасининг улкан илҳоми билан туғилган меҳнатлари маҳсулидир.

* * *

Ҳеч ким санъаткор бўлиб туғилмайди.

Лекин ана шу санъат — фарзанди бўлиш учун истеъдодли кишилар курашадилар.

* * *

Халқ орасидан шундай доно гап-сўзларни эши-тиш мумкинки, уни ўйлаб ёзаман десангиз, айнав маромига етказолмай қоласиз.

Бир боғбон чол оғзидан эшитувдим:

« — Фарзанд токка ўхшайди: хомтак қилса, багри шамолга етади, хомтак қилмаса, заволга кетади».

Халқ мақоллари, иборалари, ҳикматли сўзлар-нинг қудрати ва сеҳри шунданмикин-al.

* * *

Адабиёт билан тарих доим өғизак. Бири бири учун муҳимдир.

* * *

Бир кун эмас, бир кун тўхташи аниқ бўлган бир-биримизнинг юракларимизни асрайлик!

Юракларимизни асрайлик, одамлар!

* * *

Агар бахтни геометрик шаклга ўхшатиб, уни айланадеб ҳисобласак, албатта, шу айланани ушлаб турувчи марказ нуқтаси — меҳнат бўлади.

* * *

Даракт илдизлари билан мустаҳкам,
Одам дўстлари билан бардам.

* * *

Ёлғондан кўра мавҳумлик ёмон. У тентиратади;
карсон-саргардон қиласди...

* * *

Кулги «таъмини» донолар билишади ва улар
самимий кула олишади.

* * *

Кулги — мулойим жилмайиш ё қаҳ-қаҳ отиш-
лару, ҳузур ҳаловатгина эмас, одам фаросати-
нинг белгисидир.

* * *

Туҳмат, ёлғон иғволар ўзларига қўним топмоқ
учун ҳақиқат кўчасида шамолдай изғийди; қуюн,
тўзон кўтаради-да, ўрин тополмагач, чинқиради ва
чекинади.

Ҳақиқат эса уларнинг кўчасига нигоҳ ҳам
ташламайди.

* * *

Дўстлар қалбини туташтирувчи мустаҳкам то-
мир — бу тенглик. У қанчалик пок, беғубор бўл-
са, юрак томирларига шунчалик теран ўрнашиб
боради.

* * *

Чинакам ижод — ҳар қандай чексизлик уммон-
ларидан машаққатлар билан кўнглингизга йўл то-
пип келаверади.

МУНДАРИЖА

Илк армуғон	3
Умарқул Пўлканов. Ватан мадҳи	5
Бобоқул Мансуров. Ҳаёт итқи	11
Зиёвуддин Қўзиев. Уйғоқ эртаклар	17
Салима Умарова. Юракнинг ранглари	23
Маруса Ҳосилова. Қуз менга ўхатайди	29
Ойбуви Очилова. Куртаклар қўшиғи	35
Маҳмуд Мардиев. Яшил кундузлар	39
Саъдулла Фармонов. Соғинц	45
Шойим Шерназар. Бедорлик	51
Шеър тинглар кўнгил	51
Эргаш Асабоев. Ватаним	57
Одил Хотам. Ташриф	58
Сафар Умрзоқов. Ўзбекистонсан	61
Сурайё Зоҳир. Бир муҳаббат	62
Холбуви Турдиева. Дунёларга исён бўл	65
Қилич Темиров. Айлар билим	67
Бахтиёр Яхшиев. А. Навоий ҳақида битиклар	69
Қудрат Менгли. Туғилди яна	70
Муҳайё Қиличева. Билдириш	72
Дилрабо Искандарова. Зайнаб ноласи	74
Достон Мавлонов. Қўшиқ	76
Аҳмад Очилов. Қўғирчогим	78
Раҳим Қодиров. Туйгулар	79

Адабий-бадиий нашр

ЗАРАФШОН ОҲАНГЛАРИ
(Баёз)

Литературно-художественное издание

МЕЛОДИЯ ЗАРАФШАНА
(Альманах)

На узбекском языке

Муҳаррир: — Р. Чоршамъ

Муасавир: — Ю. Габзалилов

Расмлар муҳаррири: — А. Мамажонов


Техник муҳаррир: — У. Ким

Мусаххид: — М. Исматова.

Теришга берилди 14.03.96. Босишга рухсат этилди 19.08.96. Қоғози бичими 70x90 $\frac{1}{32}$.
Босма қоғози. Юқори босма. Шартли босма
табоги — 2,75. Нашр табоги 5,5. Нусхаси
4000. Буюртма № 540. Баҳоси шартнома асо-
сида.

«Ёзувчи» нашриёти. 700129, Тошкент, На-
войй кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитаси Самарқанд вилоят матбуот бошқармаси
Морозов номли босмахонасида босилди. 703000,
Самарқанд, У, Турсунов кўчаси, 82 уй.



sum
20'